БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИИЛ ЧИҚИШИ

№ 108 (1628)

31 МАЙ СЕШАНБА 1960 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Коммунистик меҳнат бригадалари ва з... илғорларининг Бутуниттифоқ кенгаши

30 май эрталаб Катта Кремль саройида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорларининг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини давом эттирди.

Президиум ложаларида А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, Н. А. Муҳитдинов, Д. С. Полянский, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. М. Поспелов ўртоқлар пайдо бўлганларида, тўпланганлар уларни ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Эрталабки мажлисда раислик қилувчи ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. П. Павлов донгдор машинист Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Блаженовга сўз беради.

Музокараларда, шунингдек Петровский номидаги металлургия заводининг пўлат эритувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Махота ва СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқ маршали Р. Я. Малиновский сўзга чиқдилар.

ВЦСПС Раиси В. В. Гришин қисқача якунловчи нутқ сўзлайди. Шундан кейин Москвадаги Лихачев номидаги автомобиль заводи инженер-технологи Е. Пронкин кенгаш қарорини қабул этишни...

(Кенгаш х... собот газета... сонида босилад...

Пленумда ҳисоб берамиз

Область саноат корхоналарида, қурилишларида, колхоз ва совхозларда КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пленумлари шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, бинокорлар, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ва мутахассислари Пленум очиладиган кунни меҳнатда янги ғалабалар билан нишонлаш учун бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

СССР Олий Совети V сессиясининг тарихий қарорларидан ҳамда Н. С. Хрушчевнинг нутқларидан илҳомланган республика саноатининг ходимлари Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдаги учинчи Пленумига муносиб совға тайёрлаб, 1960 йилги планни муддатидан олдин бажариш юзасидан олган мажбуриятларини бажара бориб, ялпи маҳсулот ва энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш беш ойлик планини муддатидан олдин адо этдилар. Областимиз ва Тошкент шаҳри саноат корхоналарининг коллективлари ҳам ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш беш ойлик планини муддатидан олдин — 23 майда бажардилар.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун курашда янги муваффақиятларни қўлга киритиш ва Пленумни муносиб кутиб олиш учун мусобақани кун сайин кучайтирмоқдалар. Чигит экишни ўтган йилдагидан беш-олти кун илгари тамомлаган шонли пахтакорларимиз квадрат-уялаб чигит экиш планини ошиғи билан бажардилар ва ҳозир обҳаво қийинчиликларини сабот билан енгиб, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзаларни етилтириб олиш, кўчатларнинг нормал қалинликда ва гектарларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Область колхоз ва совхозлари давлатга гўшт сотиш йиллик планини ва тухум ва тухум сотиш давом этмоқда. Шунингдек қорамол териси, мўйна ва мўйна маҳсулотлари сотиш [illegible] йиллик планлари ҳам [illegible]

Шу йил 2[illegible] ва чақириладиган Мазкур [illegible] Компартияси Марказий К[illegible]нинг Учинчи Пленум[illegible]ламиз, шу жумладан [illegible]из партия ташкилоти ҳ[illegible]нинг катта воқеа бўлади. Пленум[illegible] 1960 йилда қишлоқ хўжалик [illegible]аҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Қорақалпоғистон область партия комитетларининг ҳисоботлари, 1960 йил биринчи ярмида капитал қурилиш планининг бажарилиш якунлари ва олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш чоралари тўғрисида Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Узглавсельстрой» ва Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигининг докладлари тингланади.

Тошкент область партия комитети ўз тарихида биринчи марта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида ҳисоб беради. Бу ҳисобот — бутун область партия ташкилотининг, барча меҳнаткашларнинг, партия, совет, комсомол, касаба союз ва хўжалик активларининг партия олдидаги, халқ олдидаги ҳисоботидир. Бу ҳисобот — партия ташкилотларимиз учун катта сиёсий имтиҳондир, раҳбар ходимларимизнинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятини синовдан ўтказадиган, уларнинг етуклиги ва активлигини, ғайрат ҳамда ташаббусини кўрсатадиган бамисоли бир кўрикдир. Шу билан бирга бу ҳисобот Коммунистик партиямизнинг областимиз партия ташкилоти ҳақида қилаётган буюк ғамхўрлигини ифода қилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг областимиздаги айрим қолоқ участкаларни кўтариш, олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳақида ғамхўрлик кўрсатаётганлигини ифодалайди.

Маълумки, Тошкент областининг меҳнаткашлари бу йил 475 минг тонна пахта етиштириш, давлатга икки йиллик план миқдорида 30 минг тонна гўшт, 50 минг тонна сут, 1100 тонна пилла, 215 минг тонна сабзавот, 150 минг тонна картошка, 180 минг тонна луб ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бу эса барча имкониятлардан ва моддий-техника воситаларидан максимал даражада фойдаланишни, резервларни қидириб топиб тўла ишга солишни талаб этади.

Бироқ очиқ эътироф этиш керакки, ишни ана шу нуқтада ташкил этмаётган, олинган мажбуриятни бажаришга юзаки қараб келаётган корхона, колхоз, совхоз ва районлар ҳам йўқ эмас. Область саноат корхоналаридан 22 таси беш ойлик [illegible] бир неча [illegible] маҳсулотни кам берди. Пискент, Бўка ва Чиноз районларида ғўза парваришни ниҳоятда қониқарсиз бораётганлиги устига баҳорги пилла қурти боқиш ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди.

Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятни бажаришда айниқса Бўстонлиқ, Пискент, Чиноз, Бўка, Гулистон, Оққўрғон районлари ва Олмалиқ шаҳри жуда орқада қолмоқдалар ва бутун областни кейнига тортмоқдалар. Пискент райони ғўшт тайёрлаш мажбуриятини тўрт ойда 16,1 процент, Олмалиқ шаҳри 16,4 процент ва Чиноз райони 20,4 процент бажарган, холос. Сут тайёрлаш мажбурияти Бўка районида 19,6 процент, Гулистон районида 19 процент, Оққўрғон районида 22,7 ва Янгиер шаҳрида 24 процент бажарилганлиги сира кечирилмаслик бир ҳолдир.

Район ва шаҳар партия комитетлари, район ва шаҳар ижроия комитетлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитетининг Пленумларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ва имтиҳондан шараф билан ўтиш учун ишни шундай ташкил қилишлари керакки, Пленум шарафига ҳамма жойда социалистик мусобақа кенг миқёсда авж олдирилсин. Бу мусобақанинг бутун кучи ва таъсири олинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлашга ва меҳнат ғалабаларини янада кўпайтиришга қаратилсин. Саноат корхоналарининг коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 24 июнда очиладиган Пленумини ярим йиллик планни бажариш, пахтакорларимиз эса ғўзани гулга киритиш, пилла ҳосилини ошириш ва пилла тайёрлаш мажбуриятини бажариш ва чорвадорларимиз чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш билан нишонласинлар.

Пахтачиликдаги ҳозирги асосий вазифа — ишчи қўлларини ва техникадан тўла фойдаланган ҳолда ғўзани икки томонлама дастлабки ишлашни тезда тугаллашдан, қатқалоқ ва ёввойи ўт боснишга асло йўл қўймай, ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни етилтириб, кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлашдан, парваришни сифатли ўтказишдан, 1—5 июндан кечикмай барча майдонлардаги ғўзаларни тўла шонага киритиб олишдан иборатдир.

КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумлари шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириш зиммасига олган мажбуриятлар учун [illegible] шараф билан [illegible] бўлиш учун [illegible] ва ғайратимизни [illegible] бир [illegible]

[illegible]ларимиз

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ишлаб чиқариш новаторларига, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Ишлаб чиқариш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришганликлари ва коммунистик меҳнат бригадаси ҳамда зарбдорлари номини олиш учун мусобақани ташкил этишда ташаббус кўрсатганликлари учун қуйидагиларга **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин ва **Ленин** ордени ҳамда **«Урок ва Болга»** олтин медали топширилсин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БУЙИЧА

1. **Алижонов** Тошмаматга — Ўзбекистон ССР «Оққўрғон» совхози трактор-далачилик — пахтачилик бригадасининг бошлиғи.

2. **Нуриддинов** Саидга — Бекобод шаҳри В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг мастери.

3. **Требухин** Леонид Петровичга — Тошкент шаҳри машинасозлик заводининг электриклар бригадаси бошлиғи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль 1960 йил 28 май.

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорлари ва ишлаб чиқариш новаторлари СССР медаллари билан мукофотланди

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақада эришган муваффақиятлари учун, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ишлаб чиқаришни ўстиришга ёрдам бераётган қиммати ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари киритганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1960 йил 28 май Фармони билан Тошкент области бўйича қуйидагиларни **мукофотлади:**

«Шавкатли меҳнат учун» медали билан

1. **Бозоров** Нурмуҳамед — Тошкент область «Ангренуголь» трести 9-шахтасининг навалоотбойчиги.

2. **Блаци** Василика Харалампос — Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатининг ўровчиси.

3. **Завадский** Владимир Михайлович — [illegible] бригада бошлиғи.

4. **Колесов** [illegible] Тошкент шаҳри [illegible] заводи [illegible]

[illegible]ларимов

шаҳри 2-трамвай депосининг вагон ҳайдовчиси.

6. **Лукова** Зоя Егоровна — «Ташкентқабель» заводи ўровчилар бригадасининг бошлиғи.

7. **Мадаминов** Исмоил Умурзоқович — Тошкент область Ленин номли металл заводининг мастери.

8. **Махайледис** Георгиос — Тошкент шаҳри, «Ўзбексельмаш» заводининг фрезерчиси.

9. **Пўлатов** Зокир — Тошкент область Чирчиқ электрокимё комбинатининг машинисти.

10. **Рахмонов** Самад — Тошкент область «Ўзбекшахтострой» трести комплекс бригадасининг бошлиғи.

11. **Тўйчиева** Раъно — Тошкент шаҳри пайпоқ-трикотаж фабрикасининг тўқувчиси.

12. **Шелованов** Михаил Романович — Бекобод шаҳри Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг старший мастери.

13. **Сухаков** Аркадий Василье[illegible] — Тошкент [illegible] комбинатининг сеткачиси. (ТАСС).

Ижодий меҳнат билан т... ишини мустаҳкамлаймиз

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқи бутун совет халқининг фикр-зикрини ифода қилади.

☆ ☆

БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун бошланган мусобақа илғорларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган ва радио орқали эшиттирилган нутқини Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи кечки сменасининг юзлаб ишчилари тингладилар. Иш соати тамом бўлганидан кейин цехларда суҳбатлар бошланиб кетди. Пахта териш машиналари узелларини йиғиш участкасининг мастери Озод Маҳмудов ўз касбдошларига мурожаат қилар экан, машинасозларнинг фикр-туйғуларини баён қилди.

— Мамлакатимиз ишчилар синфининг Москвада тўпланган илғор намояндалари, — деди у, — СССР халқ хўжалиги ва маданиятини янада юксалтириш йўлларини, коммунистик қурилиш суръатларини тезлаштириш йўлларини белгиламоқдалар. Биз, ишчилар, ана шу порлоқ мақсад йўлида мамлакатимиз қуқудратини мустаҳкамлаш йўлида ўз кучларимизни аямаймиз. Бизнинг давлатимиз бизни зўравонлик позициясида туриб ғаплашишга ботиноқчи бўлган жаноб капиталистлар ана шуни унутмасликлари керак. Жаноб капиталистлар ўзларининг ёвуз ниятларини амалга оширамиз деб овора бўлмасинлар. Биз Совет ҳукуматининг ташқи сиёсатини тамомила маъқуллаймиз ва Ўртоқ Н. С. Хрушчев бугун кенгаш минбарида туриб, миллион-миллион кишиларнинг фикр-туйғуларини ифодалади, дейміз. Биз ҳеч қандай лўқлардан қўрқмаймиз. Башарти керак бўлиб қолса, Совет Иттифоқи ҳар қандай агрессорга қарши қақшатгич зарба беришга қодирдир.

Никита Сергеевичнинг нутқи корхона диспетчерлик бўлими ходимлари орасида қизғин фикрлар туғдирди. Техник-оператор Н. Макарова бундай деди:

— Бизнинг мамлакатимиз ҳеч кимга таҳдид солаётгани йўқ. Буни дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам биладилар. Биз турмушимиз тагин ҳам гўзалроқ, тагин ҳам бадавлатлироқ бўлсин деб, астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Ўз ҳушёрлигимизни кучайтирамиз. Бизни ғафлатда қолдиришга ҳеч ким муваффақ бўла олмайди. (ЎзТАГ).

Чин қалбимиздан маъқуллаймиз

Биз медицина ходимлари ҳам барча совет кишилари қаторида Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг Бутуниттифоқ кенгаш[illegible]

Ҳукуматимиз бошлиғи ўз нутқида ҳозирги халқаро аҳволни атрофлича таҳлил қилиш билан бирга тинчлик ишига раҳна солмоқчи бўлаётган урушқоқ империалистларнинг кирдикорларини яна бир марта фош қилди.

Биз инсоннинг бахт-саодати, порлоқ келажаги учун фидокорона меҳнат қилмоқдамиз. Эзгу ниятимиз фақат тинчлик, ҳамкорлик. Лекин лозим бўлса ҳар қандай агрессорга зарба бера оламиз. Юракни операция қилаётган, космосни забт этаётган совет [illegible]нинг ҳеч [illegible]ғонга йўл қўймайдилар.

Ҳукуматимизнинг халқаро масалалардаги тутган принципиал, мустаҳкам позициясини чин қалбимиздан маъқуллаймиз, жонажон партиямиз ва ҳукуматимизнинг сиёсатини доимо қўллаб-қувватлаймиз.

М. КОМИЛОВ,
доцент, Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари клиникасининг мудири.

Биз ҳам илғорлар сафида бўламиз

Биз Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқини радио орқали эшитдик. Бу нутқ бизни меҳнатда янги зафарларга илҳомлантирди.

Бизнинг бригада аъзолари Совет давлатининг куч-қудратини яна мустаҳкамланиши, Ватанимизнинг янг ҳам гуллаб-яшнаши йўлида ҳормайтодмай меҳнат қилмоқдалар. Биз бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадидамиз.

Вазифамиз аниқ ва равшан, ҳар гектар ердан 65—70 центнердан ҳосил етиштирамиз. Бунинг учун ҳозиргача 100 гектар пахта майдонидаги ғўзамизни 2 марта икки томонлама культивация қилиб, озиқлантирдик, бегона ўтлардан гозаладик. 60 гектар ердаги ғўза эса учинчи парваришдан чиқарилди. Бу ишларни бажаришда бригадамиз аъзолари бир жон, бир тан бўлиб ишладилар, тракторчимиз Жалол Исаев айниқса яхши хизмат кўрсатди.

Бригадамиз аъзолари бундан буён ҳам жамиятимизнинг илғорлари сафида туриб меҳнат қилиш учун тинмай курашаберадилар.

Хакимполвон ҚОДИРОВ,
Пискент районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Етти ойлик план бажарилди

Коммунистик меҳнат корхонаси номини олиш учун курашаётган Янгийўлдаги ғўшт комбинатининг коллективи ишлаб чиқаришда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш, янгиликларни кенг жорий қилиш туфайли корхонада етти ойлик топшириқ 20 майдаёқ ортиғи билан бажарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми очилиши кунигача 8 ойлик топшириқни бажаришга аҳд қилган бу аҳил ва иноқ коллектив эўр ғайрат кўрсатмоқда.

Областимизнинг янги қаҳрамонлари

Саид НУРИДДИНОВ



Тошмамат АЛИЖОНОВ.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетида

«Оққўрғон» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Тошмамат Алижонов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси ташаббуси тўғрисида

«Оққўрғон» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижонов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси ўтган йили 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 35,5 центнердан пахта топширди. Бир центнер пахтанинг таннархи 60 сўмга тушди. Дала ишларида механизация кенг қўлланилганлиги, илғорлар тажрибасидан фойдаланилганлиги туфайли бригада аъзолари ана шундай юқори кўрсаткичга эришдилар.

Тошмамат Алижонов коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари мусобақаси илғорларининг Бутуниттифоқ кенгаши минбаридан туриб, ўз бригадаси аъзолари номидан юксак мажбурият олди. 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта етиштириш, маҳсулот таннархини 60 сўмдан ошириб, бутун ҳосилни машинада териб олишга сўз берди. Бригаданинг барча аъзолари ўрта маълумот олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Область партия комитетнинг бюроси етти йилликнинг иккинчи йилида пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан юксак мажбурият олган «Оққўрғон» совхози трактор-далачилик бригадасининг (бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Т. Алижонов) қимматли ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон КП область комитети бюроси район партия комитетлари ва шаҳар партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари зиммасига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Алижонов бригадасининг мажбуриятини колхозчилар ва совхоз ишчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилиш ва бригаданинг қимматли ташаббусини кенг ёйиш ва шу асосда бригадалар томонидан ҳар гектар ердан 40—50 ва ундан ортиқ центнердан ҳосил олиш, дала ишларини кенг механизациялаштириш, маҳсулот центнери таннархини камайтириш, бригада аъзоларининг ўз билимларини оширишни ташкил этишни таъминлаш мақсадида социалистик мусобақани кучайтириш вазифаси юклатилди.

Область, районлараро, шаҳар ва район газеталари редакцияларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Алижоновнинг бошлаган қимматли ташаббусини, бригадада ишнинг боришини матбуотда кенг, мунтазам ёритиб туриш ҳамда Алижонов издошларининг фаолиятини кўрсатиб бориш вазифаси топширилди.

СССР Олий Совети Президиумида

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақада эришган муваффақиятлари учун, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ишлаб чиқаришни ўстиришга ёрдам берган жуда муҳим ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари киритганликлари учун, СССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 28 май Фармонига мувофиқ, коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари номини олиш учун мусобақа илғорларидан ҳамда ишлаб чиқариш новаторларидан 2563 киши медаллар билан мукофотланди.

2000 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали билан ва 563 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотланди.

ДОНГДОР МЕТАЛЛУРГ

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари Бутуниттифоқ кенгашида қатнашмоқ учун мамлакатимизнинг турли ерларидан 2 мингдан ортиқ киши келди. Булар орасида Ўзбекистон металлургия заводи прокат цехининг бригада бошлиғи Саид Нуриддинов ҳам бор эди. Ўртоқ Н. С. Хрушчев шу кенгашда сўзлаган нутқида бошқалар қатори оддий ўзбек йигити Саиднинг ҳам номини ҳурмат билан тилга олди. Нуриддинов кечагина Москвада ҳукуматимиз раҳбарлари қўлидан «Урок ва Болга» олтин медали ҳамда Ленин ордени олди. У, эндиликда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони...

1943 йил. Ўша оғир ва даҳшатли кунлар. Саид бир қанча тенгдошлари билан Каттақўрғондан Бекободга — металлургия заводи қурилишига келди. Шундан бери орадан 17 йил ўтди. У оддий ишчидан донгдор бригада бошлиғи даражасига кўтарилди. Эндиликда Нуриддинов 50 кишига бош. Унинг бригадаси корхонада биринчи бўлиб шарафли номни — коммунистик меҳнат бригадаси деган номни олишга муваффақ бўлди. Саид ўз укалари Шамси ва Кўкиларни ҳам металлурглик касбига ўргатди. У раҳбарлик қилаётган бригада ҳамма соҳада бутун корхона коллективига намуна бўлмоқда. Ўтган йили бригада пландан ташқари етти йиллик қурилишлари учун 4320 тонна прокат тайёрлаб берган эди. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида эса планга қўшимча равишда 1092 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Саид Нуриддинов бошчилик қилаётган прокатчилар ускуналарнинг унумдорлиги жиҳатидан Совет Иттифоқидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига эришди. Материал ва ёрдамчи хомашёлар тежаш соҳасида ҳам уларнинг иши мақтаса арзигудек. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 132 тонна металл, 109 тонна мазут, 78 минг киловатт-соат электр қувватти тежаб қолинди. Бу — коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшаётган бригада аъзоларининг етти йиллик фондига қўшган ҳиссасидир. Бригадада ўзбек, қозоқ, армани, татар, яҳудий, белорус, тожик ва украин халқларининг вакиллари қўлни-қўлга бериб, бир мақсад йўлида тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар. Шу коллективни ҳудди туғишганлардек аҳил ва иноқ қилиб тарбиялашда ҳам бригада бошлиғининг хизмати катта. Моҳир прокатчи ва актив жамоатчи Саид Нуриддиновни завод коллективи Ўзбекистон ССР Олий Советига ўз депутатлари қилиб сайлаганлар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Нуриддинов Ўзбекистон металлургларининггина эмас, балки республикамиз саноатчиларининг ҳам кўрки ва фахридир.

И. СУЛАЙМОНОВ.

МОҲИР МЕХАНИЗАТОР

Совхоз партия ташкилотининг секретари Раҳим Бердиев ўз одати бўйича далаларни айланиб, тушдан кейин Тошмаматнинг бригадасига етиб келди.

— Хўш, ишлар қалай, — деб сўради у бригада механизатори Жабборовдан.

— Жуда яхши, ваъдамизнинг уддасидан чиқдик, иккинчи парвариш тугалланди.

— Мен сизларга яна ҳам муҳим хушхабари олиб келдим, — дейди Раҳим ака, — эшитдиларингизми, Тошмаматга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилди.

«Оққўрғон» совхозининг 6-бўлимидаги комсомол-ёшлардан иборат коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг иши кўпдан бўён мақталиб, ҳаммага ўрнак қилиб кўрсатиб келинарди. Ҳар бир ишни техника кучига суяниб амалга оширган, фақат меҳнатдагина эмас, юришда, туришда ҳамманинг ҳавасини келтирадиган бу бригада ишчиларининг самарали меҳнати мана бугун партия ва ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланди.

Ёш ва ғайратли Тошмамат Алижонов бошқараётган бригада республикада коммунистик меҳнат бригадаси деган номни биринчилар қаторида олганлардан. Ўтган йили унинг бригадаси ҳар гектар ердан 35,5 центнердан пахта топширди. Меҳнат сарфи деярлик уч баравар камайтирилди.

Тошмамат бошчилик қилаётган бригада ишчиларининг бу йилги ғайрати ва мажбурияти яна ҳам юксак. Пахта майдони 150 гектарга етказилди. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил топшириш тўғрисидаги мажбуриятга қўл қўйилди. Етиштирилган ҳосилнинг деярлик ҳаммаси машина билан териб олинади. Бир центнер пахтанинг таннархи 60 сўмдан ошмайди.

Бригада далаларида шу кунларда иш яна ҳам қизиб кетди. Ўз бригадирларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак номни олишга муяссар бўлганлиги тўғрисидаги хабарни эшитган ишчилар яна ҳам кўтаринки руҳ билан ишламоқдалар. Ғўзанинг учинчи парваришини бошлаб юбориш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

Я ТУРМУШИ

аориф кабинетида

...ят ...ий ...ан ...агита- ...зария- ...бирин- ...турли ...қурол- ...сультант- ...лиш учун ...абинет кек- ...вининг собиқ ...нсионер Сте- ... Чебикининг ...чилган.

...нилиш одатдаги- ...лган эди. Степан ...ПСС Марказий Ко- ...озирги замон ша- ...я пропагандасининг ...тўғрисида»ги қарори ...шиб чиққач, бевосита ...лар ресервида партия ...фи кабинети очиш ҳақидаги ...ирор билан партия бюросининг ...аъзолари олдига маслаҳатга кел- ди.

— Бу яхши гоя, — деди партия бюросининг секретари Антонина Васильевна Ахманова, ўртоқ Чебикинга. Сиздан илтимос, бошлаган ташаббусингизни ўзингиз охирига етказасангиз. Шаҳар партия маорифи кабинетига борий, у ердаги ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, бу ишни қандай қилиб яхши ташкил этиш юзасидан уларнинг фикрини олиб келинг. Тағин кўнглингизга бошқа гап келиб юрмасин, бунинг сабаби кейинча биласиз.

Партия бюросининг шу йил март ойида бўлиб ўтган мажлисида партия маорифи кабинети очиш ҳақидаги масала муҳокамага қўйилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди. Кабинет мудири қилиб эса бир овоздан ўртоқ Чебикин тасдиқланди.

Резерв раҳбарлиги партия ташкилотининг таклифига биноан кабинетни зарур мебель ва адабиётлар билан таъминлаш учун маблағ ажратди. Эндиликда иккита китоб жовони, В. И. Ленининг рус ва ўзбек тилларида нашр этилган асарлари, КПСС XXI съездининг материаллари, «КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюциялари ҳамда қарорларида» деган тўпламлар, агитаторлар фойдаланиши мумкин бўлган турли адабиётлар тўла. Бундан ташқари турли хил кўргазмали қуроллар ҳам мавжуд. Степан Михайловичнинг ўзи ясаган полкаларга эса янгидан нашр қилинган жуда кўп сонли бадиий адабиёт китоблари териб қўйилган.

Кабинет ҳузурида методик совет ташкил қилинган бўлиб, унинг составига кўпроқ снёсий тайёргарликка эга бўлган кишилар — техника ўқуви бўйича инструктор Ж. Наврўзов, старший нарядчи А. Каримов, старший бухгалтер М. Никифорова, кадрлар бўлимининг бошлиғи Д. Писанний ўртоқлар киритилган. Улар муттасил равишда снёсий маориф кабинетида навбатчилик қиладилар, марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганаётганларга консультациялар, агитаторларга эса суҳбат ўтказиш юзасидан маслаҳатлар берадилар.

Мана, кабинетга 55-поезд бригадири коммунист Ҳошим Каримов кириб келди. У, КПСС тарихини мустақил равишда ўрганишни давом эттирмоқда. Лекин у, китоб устида ишлаш тажрибасига эга бўлмагани сабабли айрим қийинчиликларга дуч келган. Бундан хабар топган ўртоқ Чебикин суҳбатлашиш мақсадида Каримовни кабинетга махсус равишда таклиф қилган эди.

— Мен КПСС тарихининг XV бобини ўқиб чиқдим, — деди Каримов. Назаримда ҳамма нарса тушунарлидек туюлди. Бироқ конспект олабошлаганимда эса...

— Сўзма-сўз кўчириб ёза бошладим, дегин, — унинг сўзини бўлди кулиб Чебикин.

— Топдингиз Степан Михайлович.

— Хафа бўлма, бу ҳолни ҳамма ҳам бошидан кечирган, — аста-секин конспект олишга ҳам, ўқиган нарсангни тўла-тўкис тушуниб олишга ҳам одатланиб кетасан.

Степан Михайлович бригадир билан атрофлича суҳбат қилди, унинг конспектини синчиклаб қараб чиқди, ўқилган материалдаги асосий ғояни уқуб олиш учун нима қилиш керак ва эсда қолган нарсани қандай ёзиб олиш керакligи юзасидан маслаҳатлар берди. Шунингдек у, ўз суҳбатдошига назарияни мустақил равишда ўрганувчилар билан резервга ўтказилиб турадиган назарий конференцияларда уялмасдан чиқиб сўзлаш лозимлигини уқтирди.

Орадан бироз вақт ўтди. Степан Михайлович кўрсатган ёрдам туфайли ўртоқ Каримов китоб устида мустақил ишлаш ва конспект олиш юзасидан маълум даражада малака орттирди. Бунинг устига у, «Партиянинг урушдан кейинги даврда социалистик халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун олиб борган кураши (1945—1953 йиллар)» темасида ўтказилган назарий конференцияда чиқиб жуда мазмунли сўзлади.

Ҳозирги вақтда ўртоқ Каримов КПСС тарихининг XVII боби юзасидан ўтказиладиган назарий суҳбатга тайёрланмода.

Поезд бригадирлари Аҳмад Иброҳимов, Рўзибой Маметов ва бошқа ўртоқлар ҳам снёсий маориф кабинетига тез-тез келиб турадилар. Аҳмад ва Рўзибой бундан бир ой муқаддам вагон депосидан [illegible] ўқилиши билан қизиққан эдилар.

Ўшанда ўртоқ Чебикин бригадирларни лекциялар плани билан таништириб бўлгач, улар ўз устларида қандай ишлаётганликлари билан қизиққан эди.

Кунларнинг бирида Мамбетов ўзи ўқиб, ўрганиб чиққан В. И. Ленининг «Нима қилмоқ керак?» номли китобидан олган конспектини келтириб ўртоқ Чебикинга кўрсатди. Чебикин конспект билан танишгач, ўз суҳбатдошига: сиз бу китобнинг мазмунини тўғри тушуниб олибсиз, энди нима қилмоқчисиз, деган саволни берди.

— Энди марксизм-ленинизм асосларини ўрганаман, деб жавоб берди Мамбетов ва сизнинг олдингизга тез-тез келиб, маслаҳатингизни олиб тураман, деб қўшиб қўйди.

— Албатта келиб туринг, қўлимдан келган ёрдамни аямайман, деди Степан Михайлович.

Мамбетов эндигина чиқиб кетган ҳам эдики, кабинетга вагон проводниги агитатор Григорий Петрович Сергеев кириб келди. У, навбатдаги сафарга жўнаб кетмоқчи ва шу сабабли йўлда ҳамкасблари билан совет сўминнинг қувватини ошириш темасида суҳбат ўтказишни чамалаб, унга қандай тайёргарлик кўриш юзасидан маслаҳатлашгани келган эди.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг СССР Олий Советининг бешинчи сессиясида қилган доклади, — деди ўртоқ Чебикин, — суҳбат учун энг яхши материал. Бундан ташқари СССР давлат банкаси правлениесининг раиси А. Коровушкининг «Правда» газетасида босилган «Бизнинг совет сўмимиз» сарлавҳали мақоласини ҳам албатта ўқиб чиқинг.

— Ўртоқ Хрушчев докладини қайта-қайта ўқиб чиқдим. «Правда»да босилган мақолани ўқиш юзасидан берган маслаҳатингиз учун раҳмат, — деди агитатор.

Сергеев шу ернинг ўзида ўтариф мақолани ўқиб чиққунича, Степан Михайлович унга яна бир неча қўшимча адабиётни танлаб, тайёрлаб қўйган эди. Агитатор уларни қўлга олар экан, ўртоқ Чебикинга яна бир марта чин кўнгилдан раҳмат айтди.

Партия маорифи кабинетига раҳбарлик қилиш пенсияга чиққанига бир йилга яқинлашган Степан Михайлович учун шоншараф иши бўлиб қолди. У, ҳар куни проводниклар резервига келиб, эртадан-кечгача «ўз иши» билан шуғулланади. 1917 йилдан буён КПСС аъзоси, темир йўл транспортида 30 йилдан ортиқ ҳалол ва фидокорона меҳнат қилган, темир йўл снёсий бўлимида узоқ вақт ишлаб, партиявий-снёсий ишда катта тажриба орттирган Степан Михайлович Чебикин ҳозирги вақтда ёш коммунистларга, партиясиз активларга марксча-ленинча назарияни чуқур эгаллашда яқиндан ёрдам бермоқда.

— Партия ташкилотининг бу топшириғи, — дейди Степан Михайлович, — менга жуда ёқиб тушди.

Шу сабабли ўртоқ Чебикинни коллектив аъзолари ўз мураббийлари, ҳақиқий коммунист сифатида севадилар ва иззат-ҳурмат қиладилар.

А. ПЎЛАТОВА.

БАРЧАГА ЎРНАК

Суратда: бетончи ўртоқ Т. Умаров. А. Заблоцкий фотоси.

Етти йилликнинг улкан қурилишларидан бири ҳисобланган Олмалиқ мис-саралаш фабрикасини бунёд этаётган турли касбдаги бинокорлар бетончи Турғун Умаров номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Малакали бинокор саралаш фабрикаси қурилиши бошлангандан бери шу ерда ишлаб келмоқда. У корхонанинг деярлик барча корпуслари пойдеворларини бетонлашда иштирок этди.

Ўртоқ Т. Умаров бетон ётқизиш ишларини тезлаштириш, унинг таннархини камайтириш, бинокорлик материалларини кўплаб тежаб қолишга қаратилган бир қанча қимматли таклифлар автори ҳамдир. Ҳаммага маълумки, бетон ишларини бажаришда жуда кўп сифатли тахта ишлатилади. Бундай опалубкалар узоғи билан 6-7 марта ишлатилиб, сўнгра чиқиндига чиқариб юборилади. Бу, қимматли бинокорлик материали — тахтанинг кўплаб сарфланишига сабаб бўларди. Доигдор бетончи опалубкаларни эҳтиётлик билан ўрнатиш ва кўчириб олиш йўли билан улардан 15 мартагача фойдаланиш мумкинлигини амалда исбот қилди. Унинг ўзи йил бошидан бери 15 кубометрдан ортиқ тахтани тежади.

Моҳир бетончи КПСС Марказий комитети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети пленумлари шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, шу кунларда меҳнатда янада юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

ИЛҒОР ИШЧИЛАР ПАРТИЯ САФИГА КИРМОҚДАЛАР

Пойтахтимиздаги канап-йигирув фабрикаси партия ташкилотининг сафи ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига ўсмоқда. Фабрика партия ташкилоти кейинги ойларда етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашнинг олдинги сафида борааётган.

Партия сафига 10 кишини КПСС орасида тўқувчи А. З. Диненко, слесарь Бабиков, халқ дружинаси штабининг бошлиғи, хизматчи К. Мансуров, мастер ёрдамчилари Д. Г. Пирьянов, Н. И. Астафьев ва бошқа ўртоқлар бор.

Р. ТУРСУНОВ.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИГА АКТИВ ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

Б. БОГДАНОВ,
СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг директори

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси мамлакатимизда жуда машҳурдир. Ўтган йили бу ерда 7,4 миллиондан кўпроқ киши бўлди. Бундан ташқари жаҳоннинг 86 мамлакатидан ўнларча минг чет эл меҳмонлари виставкани тамоша қилдилар.

Виставкада СССР халқ хўжалигининг деярлик барча соҳаларида эришилган ютуқлар кенг ўрин олган. Бу ерда космосни забт этиш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, радиоэлектроника, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда мамлакатимиз эришаётган янгиликлар билан танишиш мумкин.

Виставка жуда катта имкониятларга эга. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1959 йилнинг 17 декабрида СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ишини янада яхшилаш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу қарорда кўрсатилишича, виставканинг асосий вазифаси техника прогрессига, меҳнат унумдорлигини ошириш ва халқ хўжалиги планларини тўла бажаришга ёрдам берувчи фан ва техника ютуқларини, прогрессив технология ва ихтироларни саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва қурилишга кенг жорий қилиш ва уларни актив пропаганда этишдан иборат, деб кўрсатилди.

Ҳозирги вақтда партия ва ҳукуматимизнинг бу қарорини бажариш юзасидан катта ишлар олиб борилмоқда. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Кенгаш ташкил этилди. Бу кенгаш составида иттифоқчи республикалар, халқ хўжалиги кенгашлари, корхоналарнинг вакиллари, йирик олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари, шунингдек СССР Госплани, Давлат комитетлари, министрликлар ва ведомстволар, партия, касаба союз ва совет ташкилотларининг вакиллари бор.

Виставка иштирокчиларини ва экспонатларни танлаш тартиби ўзгартирилди. Эндиликда бу ишлар, аввалгидек ҳар йили бир марта ўтказилмай, янги техника, илғор иш методлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича янгиликлар яратилиши давомида йил бўйи ўтказилади. Виставка иштирокчиларини, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нусхаларини, фан ва техниканинг муҳим ютуқларини танлашни контроль қилиб бориш маҳаллий партия ташкилотлари зиммасига юклатилди. Мамлакатимиз халқ хўжалигида техника прогресси йўлларини белгилаб берувчи янгиликларгина ютуқларимизнинг Бутуниттифоқ кўргазмасига қўйилиши мумкин.

Виставка олдига қўйилган катта вазифалар унинг иш формаларини ўзгартиришни талаб қилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқани ривожлантиришнинг актуал масалалари бўйича ихтисослашган тематик виставкалар ташкил этиш Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси фаолиятининг шундай янги иш формаларидан биридир. Бундай виставкалар узоғи билан 1,5—2 ой давомида намойиш қилинади. 1960 йилда юзга яқин тематик виставкалар ташкил этиш мўлжалланган. Бундай виставкалар бир хил маҳсулот яратадиган ва ишлаб чиқарадиган Совнархозлар, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий ва конструкторлик ташкилотларининг ҳисоботи характерида бўлади.

Тематик виставкалар ташкил этилган вақтда ишлаб чиқариш, илмий-текшириш ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ходимлари, шунингдек олимлар, ихтирочилар, рационализаторлар ва ишлаб чиқариш новаторлари иштирокида семинарлар, илмий-техника конференциялари ўтказилиб турилади.

1960 йилда биринчи энг катта тематик виставка шаҳар қурилишига бағишланди. Унда мавжуд шаҳарларни социалистик реконструкция қилиш, янги шаҳарлар қуриш, район планировкаларининг прогрессив методлари, уй-жой районлари қурилишининг, шаҳарларни кўкламзорлаштириш, шунингдек шаҳарга яқин зоналарда меҳнаткашларнинг оммавий дам олишини ташкил этишнинг прогрессив принциплари кўрсатилаётир.

Саноат ва транспорт бўлими бўйича 30 дан ортиқ тематик виставкалар ташкил этилади. «Электр пайванд» — шундай виставкаларнинг биридир. Унда пайванд конструкциялари, механизациялашган замонавий пайвандлаш методларининг технологик процесслари, шунингдек механизациялашган пайванд учун ускуналар, аппаратура ва асбоблар намойиш қилинади.

Қишлоқ хўжалигининг илғор тажрибасини кўрсатиш Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси фаолиятида катта ўрин эгаллайди. Жон бошига гўшт тайёрлаш бўйича Америка Қўшма Штатларига етиб олишдан иборат умумхалқ вазифасини муваффақиятли ҳал қилишда колхоз ва совхоз меҳнаткашларига ёрдам бериш мақсадида «Ҳар йили 20—21 миллион тонна гўшт тайёрлаш учун» деган тематик виставка ташкил этилади. Бу виставка ХХЮВнинг II та павильонига жойлашади. У чорвачилик маҳсулдорлигини оширишнинг кўпқиррали тажрибасини, кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда гўшт тайёрлашни кўпайтириш имконини берадиган фан, техниканинг сўнгги ютуқларини ва илғор тажрибани колхоз ҳамда совхоз ишлаб чиқаришига жорий қилишнинг йўлларини кўрсатади. Виставкада етти йиллик планга қўшимча равишда 4-5 миллион тонна гўшт тайёрлаш бўйича олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши кенг акс эттирилади.

Иттифоқчи республикаларнинг павильонлари ўз ишини қайтадан қурмоқда. Бу ерда халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантириш бўйича эришилган умумий ютуқлар кўрсатилиши билан бирга иттифоқчи республикалар орасида ўзаро тажриба алмашиш учун диққатга сазовор бўлган айрим масалалар бўйича тематик виставкалар ва кўргазмалар ташкил этилади. Бу йил 50 та шундай виставка ташкил этиш назарда тутилади.

Кўчма ихтисослашган виставкалар ўтказиш йўлга қўйилади. Бу тадбир биринчи марта қўлланилмоқда. Булар одатда тематик виставкалар базасида ташкил этилади. Кўчма виставкалар мамлакатимизнинг йирик саноат ва қишлоқ хўжалик районларига юборилади, ишлаб чиқариш ходимларига янги техника ва илғор технологияни жорий қилишда амалий ёрдам беради.

Виставка ишининг янги формаларидан яна бири — саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан истеъмол қилувчилар учрашувини ташкил қилиб, унда энг яхши буюмлар учун конкурслар ўтказишдир. Энг юқори баҳо олган маҳсулот ХХЮВ диплом ва медаллари билан тақдирланади. Виставкада ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг учрашувлари ташкил этилади. Бунда илғор ишчилар станок, асбоб, механизм ва бошқа ишлаб турган ускуналарда ўз илғор методлари билан бошқаларни таништирадилар.

ХХЮВ ишининг қайта ташкил этилиши муносабати билан фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибани халқ хўжалигига жорий қилишдан иборат бўлган асосий масалани ҳал қилишга хизмат қилувчи илмий-техника пропагандаси янада кучайтирилади. Янги техника ва илғор тажриба ҳақида жуда кўп программалар, варақалар, каталоглар, чертежлар ва бошқа адабиётлар, илмий-техника ва ҳужжатли фильмлар ҳамда диафильмлар, тематик радиоэшиттиришлар ва бошқалар тайёрланади.

ХХЮВ дирекцияси путевкалари билан виставкага командировка қилиш янги техника, технология ва илғор тажрибанинг конкрет масалаларини ўрганиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадидагина амалга оширилади.

ХХЮВ путевкалари жойларга аввалгидек ҳар йили бир марта эмас, балки даврий равишда тематик виставкалар, кўргазмалар, конкурслар тайёрлаш ва ўтказиш давомида юборилади. Конкрет масалаларни ўрганиш учун виставкага келган ҳар бир киши ўз коллективи олдида сафари ҳақида ҳисобот бериши ишлаб чиқаришга янги машина, приборлар ва бошқа буюмлар нусхаларини жорий қилиш тадбирлари, шунингдек илғор иш методлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг прогрессив усуллари ҳақида гапириб бериши зарур.

Виставка Кенгаши давлат комитетлари, министрликлар, ведомстволар, иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда янги техника ва илғор тажрибани жорий қилиш ҳақида, шунингдек эскириб қолган конструкциядаги машиналар, приборлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш ҳақида тавсияномалар ишлаб чиқади.

ХХЮВ иштирокчиларини мукофотлаш тартиби ҳам анча ўзгарди. Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик виставкаси вақтида маълум кўрсаткичларни қўлга киритган ҳар бир киши мукофот олиши мумкин эди. Бунда унинг иш методлари ёки у яратган машина ва ускуналарнинг виставкада намойиш қилиниши шарт эмас эди. Эндиликда эса ХХЮВда экспонатларни кўрсатиш ва павильонларда ўз иш методи ҳамда приёмларини намойиш қилиш виставкада иштирок этиш ва мукофот олиш учун мажбурий шарт қилиб белгиланди.

Виставка учун традицион бўлган мукофотлардан ташқари энг яхши машина нусхаларини, технология процессларини ва илғор иш методларини актив жорий қилувчи коллективларнинг фаолиятини тақдирлаш учун янги рағбатлантириш чоралари назарда тутилган. Бунинг учун жуда кўп пул мукофотлари белгиланди. Юз минг сўмлик биринчи мукофот 50 тагача, 50 минг сўмлик иккинчи мукофот юзтагача, 200 тагача 25 минг сўмлик учинчи мукофот берилади. Виставка мукофотлари коллективларга, шунингдек айрим ходимларга саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг область, район активларида, корхона, қурилиш, колхоз ва совхозлар коллективларининг умумий йиғилишларида топширилади.

Барча маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотлари, шунингдек матбуотимиз, радио ва телевидение актив ёрдам берган тақдирдагина ХХЮВ ўз олдида турган вазифани муваффақиятли бажариши мумкин.



Москва. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси. Суратда: «ИЛ-18» (чапда) ва «ТУ-104» самолётлари очиқ майдонда.

В. Егоров ва Н. Кулешов фотолари. (ТАСС фатохроникаси).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ 31 МАЙ, 1960 ЙИЛ.

„Тошкент ҳақиқати“нинг рейд бригадаси

МАДАНИЙ-МАИШИЙ ТОВАРЛАР ВА РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ СЕРОБ БЎЛСИН!

ИМКОНИЯТ БОР-У, ҲАФСАЛА ЙЎҚ

ҚУРУҚ ГАП ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС

— Кир қисқичингиз борми?

— Аттанг, куни кеча тугаган эди. Лекин юборишгани ҳақида хабар олдик.

— Эртага келайми?

— Ие, қизиқмисиз, қисқични ТУ да ташимаймиз. Юк поездида Ригадан неча кунда етиб келиши мумкин. Ҳисобни шундан олаберинг.

— Уят-е! Тошкент қаерда-ю, Рига қаерда. Наҳотки ўзимизда тайёрлаб бўлмаса?!

— Шугина дейсизми? Мен айтмай, сиз эшитманг. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб келтирилаётган буюмларнинг сон-саноғи йўқ.

Харидорлар билан сотувчилар ўртасида шу тақлид савол-жавобни қатор дўконларда эшитиш мумкин. Сабаби: маданий-маиший ва рўзғор буюмларининг ҳамма вақт ҳам топила бермаслигида.

Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз маданий-маиший товарлар ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни ошириш, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Мазкур қарор, шубҳасиз, областимиз хўжалик ходимлари зиммасига ҳам жуда масъулиятли вазифалар юклади. Улар бунга жавобан енг шимариб, ўз имкониятларини қайта кўриб чиқдилар. Арзиганарзимаган буюмларни узоқ-узоқ шаҳарлардан ташиб келтиришга хотима бериш мақсадида қатор тадбирлар белгиладилар, планлар тузиб, Республика Госпланига тасдиқлатиб ҳам олдилар.

ҒАЛВИРНИ СУВДАН КЎТАРГАНДА...

Кейин нима бўлди дейсизми?

Яқинда биз планларнинг номенклатура бўйича бажарилишини текширдик. Беҳад қувонармиз деб умид қилган эдик. Афсуски, акси бўлиб чиқди. Хўш, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши, Тошкент область ижроия комитетининг саноат бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Бурнашев), Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Катишев) министрликлар ва ведомстволарга қарашли корхоналарнинг раҳбарлари амалда нима қилдилар?

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, белгиланган тадбирларнинг кўпчилиги қоғозда қолиб кетди. Қилинган иш бамисоли дарёдан томчи.

Балки, ҳурматли раҳбар ўртоқлар дунёга донг таратаётган машина ва механизмлар ишлаб чиқараяпмизку, ахир қайси бирини қилайлик, дейишлари мумкин. Тўғри, кейинги йилларда саноатимиз жуда юксалди. Аммо маданий-маиший ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳали ҳам эътибордан четда қолаётир.

Қоп-қоп ваъдалар берилаётган вақтда Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши савдо ташкилотлари билан шартнома тузиб, турли-туман хўжалик буюмлари, чунончи трансформатор, рўзғор шнурлари, темир-терсак буюмлар, печка ва бошқа товарлар тайёрлаб беришга аҳд қилган эди. Ғалвирни сувдан кўтарганда шу нарса маълум бўлдики, шартнома бажарилмаган. Масалан, ўтган йили 1000 дона, бу йил эса 5000 дона хўжалик трансформатори ишлаб чиқарилиши лозим эди. Афсуски, лоақал бир дона ҳам трансформатор тайёрлангани йўқ.

Эндиликда пойтахтимизда электр нурлари порламаган хонадон қолмади. Ҳаммага маълумки, включатель тагига кафт орасига жо бўладиган бир парча думалоқ тахта — подразетник қўйилади. Шу арзимаган матоҳ Ленинград ва Калинин шаҳарларидан келтирилаяпти. Лампа плик нима деган нарса. Шу ҳам Москва шаҳридан ташиб келтирилаяпти-да. Тошкент Совнархози, область ва шаҳар ижроия комитетлари саноат бошқармалари раҳбарлари узумини енг-у, боғини суриштирманг дегандек, подразетник ва лампа пликнинг қайси шаҳарлардан келтирилаётгани, бунинг учун қанчадан қанча маблағ сарфланаётганини билмасликлари мумкин. Аммо пойтахтимизнинг ўзидагина бир эмас, тўртта мебель ва қатор трикотаж фабрикалари ишлаб тургани ҳаммадан кўра уларга ойнадек равшан-ку!

Айтамиз десак гап кўп. Айрим раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли пойтахтимизда бемалол ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган буюмлар узоқ шаҳарлардан, чунончи, электр плита керамикаси Минскдан, рўзғор шнурлари Москва, электр дазмоллар Ярославль, алюминийдан ясалган йиғма кровать Иркутск, гўшт қиймалагич Касли шаҳарларидан ташиб келтирилаётир. Бўнинг қарангки, бир контейнер электр плита керамикасини ташиб келтириш учун 462 сўм сарфланмоқда. Ваҳоланки, керамиканинг ўзи 2 сўм 70 тийин турди.

Наҳотки, уяларга белгиланган миқдорда чинни ясадиган сеялкалар яратишга қодир бўлган «Ўзбексельмаш» заводи (директори ўртоқ Стикайло) ошиқ-мошиқ ва даста, «Тошкент» маркали вентилятор тайёрлаётган Тошкентдаги электрремонт заводи (директори ўртоқ Аветисов) «Подхалим» ишлаб чиқаришни уддалай олмаса.

Шунингдек, теша-ҳокандоз, оташкурак, капкир, човли, куракча, самовар карнай ва шунга ўхшаш майда-чуйда, аммо рўзғор учун зарур, буюмларни саноат йўли билан тайёрласа бўлмайдими? Имконият мавжуд-ку. Фақат раҳбар ходимлар жиддийроқ бош қотиришлари керак. Лекин раҳбар ходимларимиз шундай касалга мубтало бўлиб қолганлар-ки, уни таг-томири билан қуритиб ташламагунча маданий-маиший товарлар ва рўзғор буюмларини мўл-кўл ишлаб чиқаришга эришиш амри-маҳол.

КАСАЛ НИМАДА?

Партия ва ҳукуматимизнинг махсус қароридан сўнг савдо ташкилоти ходимлари Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ва маҳаллий саноат бошқармаларига аҳоли эҳтиёжи учун қандай буюмлар зарурлигини айтиб, шу буюмларни қайси корхоналарда тайёрлаш мумкинлигини ҳам номманом кўрсатиб бердилар.

Масалан, шартномага мувофиқ Тошкент Совнархози бу йил 6 миллион сўмлик турли асбоблар тайёрлаб бериши керак эди. Бу Тошкентдаги «Абразив» (директори ўртоқ Эргашев) ва Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» (директори ўртоқ Жеребчук) заводлари зиммасига юклатилди. Корхона раҳбарлари планни номенклатура бўйича бажаришни хаёлларига ҳам келтирмай, уриб ҳар бири 250 сўм турадиган исканжа тайёрлата бердилар. Ваҳоланки, бу буюм харидорлар учун зарур эмас. Республика Госплани ҳам ана шундай исканжадан 29 мингта тайёрланиши кўрсатилган планни кўр-кўрона тасдиқлаб юбораберган. Исканжа ўрнига слесарь, монтаж, металл қирқувчи ва ёғоч ишлаш асбоблари тайёрланса қандай бўларкин. Ахир, бу асбоблар тахчил-ку!

Маҳаллий саноат бошқармалари бу йил тайёрлаб бериши лозим бўлган 63 миллион сўмлик мебель буюмларининг 17 миллион сўмлигини диван ташкил қилади. Ажабо, керагидан ортиқ тайёрланган диванлар складларда чанг босиб ётгани ҳолда, шунча пуллик диван ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи планни ким тасдиқлади экан? Наҳотки планлаштириш ташкилотлари дўконларда йиллаб чанг босиб ётган буюмлардан хабарсиз бўлсалар.

Планларнинг номенклатура бўйича бажарилмаслиги ёки қизиқмаслик корхона раҳбарларига ҳам қўл келмоқда. Улар билан суҳбатлашсангиз, бор-йўғи 20 тийин турадиган подразетник ишлаб чиқара бошласак, қандай қилиб планни бажарамиз, битта диван қанча подразетник ўрнини босишини билмайсизми, дейишади. Ҳамма касал мана шунда.

Ҳурматли раҳбар ўртоқлар халқимиз буюмларинг ўнини кўриб, бирини оладиган бўлиб қолди. Эндиликда аҳоли талабини синчиклаб ўрганиш керак. Марҳамат қилиб, аҳоли севиб оладиган ва тахчил буюмлар ишлаб чиқаришни кўпайтиринг. Шунда кераксиз буюмлар йиллаб чанг босиб ётмайди. Бинобарин ҳозирги кунда [illegible]публикамизга турли узоқ-узоқ [illegible]арлардан ташиб келтирилаётган [illegible],5 минг хилдан ортиқ бу[illegible] сони камайиб, давлатнинг [illegible] минглаб маблағи тежаб қо[illegible]

Т. МИРХАНИТОВ,
Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи йиғув цехи бошлиғининг ўринбосари.

А. КАЛМИКОВА,
Тошкентдаги 60-магазин директори.

З. АСОМИДДИНОВ,
1-«Ташпромторг»га қарашли 25-хўжалик магазинининг старший сотувчиси.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ў. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Июнь—ўсишдан кечиккан ғўзаларни ривожлантиришда ҳал қилувчи ой!

Ғўзаларни тезда гулга киритамиз

Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхози коллективи Ўзбекистон КП Марказий Комитети учинчи Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Совхознинг бўлим ва бригадаларида ғўза қатор ораларини ишлашни намунали ўтказиш юзасидан социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилган.

Ишчилар ҳар бир картадаги ғўзаларга агротехника қоидаларига тўла риоя қилган ҳолда ишлов бериб, озиқлантирмоқдалар. Бу соҳада ёш коммунист ўртоқ Олим Ўтбосаров бошлиқ бўлим ишчилари дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Бўлим механизаторларининг кундалик топшириқларни ортиғи билан бажаришлари орқасида 829 гектар ернинг ҳаммаси икки марта узунасига ва кўндалангига ишланди.

Ҳозир бўлимнинг парвариш сифатли ўтказилган ерларида бегона ўтлар йўқ. Ғўзалар кундан-кунга авж олиб ривожланмоқда. Айниқса бўлимнинг У. Абдураззоқов, О. Жўраев ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг ғўзасини ўрган киши пахтакорлар меҳнатидан гоят хурсанд бўлади.

— Биз, — дейишади совхоз ишчилари, — самарали меҳнат қилиб, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленуми очилиши кунигача ғўзаларимизнинг ҳаммасини ёппасига гуллатиб оламиз.

Ё. ҲАСАНОВ.

БУГУН ҒАНИШЕР ЮНУСОВ ДАЛАСИДА

ПАХТАОЙНИНГ МЕҲРИ

ГУЛИСТОН. (**Ўз мухбиримиздан телефон орқали олинди**). Осмон баҳор кунларидаги каттакон кўлга ўхшайди. Тўда-тўда бўлиб кезаётган булутларни кўмкўк сув бетидаги муз парчалари дейсиз. Қуёш бир ялт этиб нурларини ерга тўкадида, яна кўк чимматига ўралади.

Пахтазорда ДТ-24 жавлон урмоқда. Ғанишер аканинг ўнг қаноти бўлмиш Иноможон Рустамов универсал рулини маҳкам тутиб, яшил квадратлардаги ғўзалар тасанги яйратмоқда.

— Инсон қўли гул!—дейди Ғанишер ака трактор кетидан юриб, — мана бу эгатларни кўринг-у, наригиларини кўринг. Трактор ўтмаган жойлар ғашингизни келтиради. Культивация қилинган ернинг ғўзасига эса қараб тўймайсан киши.

Қаҳрамон билан дала айландик. Ғўзалар шоналай деб турипти. Карталарда ғўзадан бошқа гиёҳ йўқ. Ҳаво паст, сернам келишига қарамай, бегона ўтнинг кўпайишига йўл қўйишмапти. Аксинча унинг тухумини қуритишипти. Асл деҳқоннинг иши бу!

Йўл-йўлакай суҳбатлашиб бордик. Бригадада шу кунгача экилган ишларни билгимиз келади. Мана шу карта ҳам кўздан ўтмаган, Ғанишер ака ...

— Озиқлантиришчи?

— Биз ҳар иккала ишни бир пўла ўтказяпмиз. Биринчи культивация вақтида ҳам ғўза озиқланган, бу сафар ҳам шундай қилаяпмиз.

— Иккинчи озиқлантиришни эртароқ бошлабсизми-а, Шерака?

— Йўқ, эрта эмас, бу йилги шароит шуни талаб қилади ука. Ҳаво салқинроқ, сернамроқ. Ерда ўғит мўл бўлмаса ғўза кирпидай бужмайиб кетаберади, ўсмайди.

—Бундай бир мисолни олинг,— деди у бироздан кейин, — одамда қон етарли бўлса, қорни тўқ бўлса совуқ ўтмайди, толиқмайди. Ғўза ҳам шундай. Бу жониворнинг забони йўқ, холос. Забони бўлганида: «ўғит беринг, чопинг, сув беринг» деб қулоғимизга қуйиб турарди.

— Тўғри айтасиз.

Ҳа, — шундай ука, мўл ҳосил оламан деган деҳқон тилсиз ғўзага тил топиб гаплашади. Уни ҳеч нарсадан зориқтириб қўймайди. Сизга бир нарсани айтай. Бундан уч кун олдин ҳу ўша картага кирсам ғўзанинг қовоғи солиқ, шумшайиб турипти. Дарров пайқадим, бир марта эмас, уч марта сел ёғиб ўтувди. Шу сел ерни қотириб метин қилиб юборибди. Шундай турабереса ғўзанинг томирига озиқ ҳам етмайди, офтобнинг тафти ҳам. Ғўзанинг атрофи қатқалоқ бўлиб, уни исканжага олади, ўлдиради қўяди. Дарров культиватор солдик. Трактор кириб чиққандан кейин ғўза қаддини ростлаб олди. Ҳозир кўрсангиз ҳавасингиз келади. Е эртага, ё индинга шона кўрсатади.

Дарҳақиқат шундай экан. Ғўзалар 4—5 бўтин бўлиб қолипти. Ола чиққан жойлар йўқ. Карталар аниқ. Буларни кўриб кўз қувонади, дил яйрайди.

Дала шийпонига қайтдик. ... Ғанишер ...

— Ҳосилнинг ҳаммасини машинада йиғиб олмоқчимиз, — деди у. — Бу режа биздан астойдил ишлашни, ишлаганда ҳам яхши ишлаб ишлашни талаб қилади. Аввало ғўзани қалтабақай, сер ҳосил қилиб ўстирамиз, бу бир, ҳосилни эрта етилтирамиз, бу икки. Шу ишларни кўнгилдагидек бошласак, қолганларига қийналмаймиз.

— Неча центнерга шартнома тузгансиз? — қизиқиб сўрадик.

— Биз икки йилдан бери шартномага қараб иш тутмаймиз.

— Нега?

— Ўтган йили шартномага кўра ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил етиштиришимиз керак эди. Бутун мажбурият кетириб қуриб шартномани эсдан чиқариб қўйдик. Натижаси шу бўлдики, гектар бошига роса 60 центнердан «оқ олтин» кўтардик. Бу йил бўлса 100 гектар ердан 650 тонна ҳосил оламиз, деб мажбурият олдик.

— Бу йил ҳам шартномани унутамиз денг?

— Шундай бўлади-да, ука!

Шинам безатилган дала шийпонида радио приёмникдан енгил куй садолари янграб турипти. Гул чойшаплар ёзилган столлар атрофида юмшоқ стуллар, бир томонда 20-25 киши жо бўладиган сўри. Шу сўрида пат гилам устида ўтириб концерт эшитдик, аччиқ кўк чой дамланди.

Соат бир-у, 20 минут. Танбир торлари сеҳрли жаранглаб, қалбга ҳузур беради. Ғанишер ака ҳам, бошқалар ҳам «роҳат» оҳангига жўр бўлишиб бош чайқашарди.

Концерт ... одамлар аста-секин гапга ... ушиб кетишди. Фақат Ғанишер ака ... жим ... [illegible]

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхози пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш мақсадида ғўза парваришини кундан кунга кучайтирмоқдалар. Бу хўжаликда лозим топилган карталарда ғўзаларни табақалаштириб суғориш бошлаб юборилган. Суратда: иккинчи бригаданинг звено бошлиғи ўртоқ К. Мирсандов эгатларга сув тарамоқда.

В. Салов фотоси.

Уларнинг иши чакки эмас

Механизатор Эргаш Райимқулов бригадасидаги 4 киши билан 50 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 27 центнердан ҳосил олишга, ўзи мавсумда машина билан 250 тонна пахта теришга аҳд қилган.

— Биз, дейди Райимқулов, — аҳдимизнинг уддасидан чиқиш, кам меҳнат сарфлаган ҳолда, механизациядан унумли фойдаланиб, пахтанинг тан[illegible] Райимқуловнинг ... ўзлари ... киз эмас. Улар барча ... га квадрат-уялаб чигит ... лар, текис ўндириб олинган ғўзанинг биринчи парвариши барвақт тамомланди. Ғўза парваришида бригада аъзолари Раъно Эргашева, Шакар Аббазова, Шарофат Каримова ўртоқлар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

М. ЖОНИҚУЛОВ,
Чиноз районидаги Сталин номли колхоз.

Илғорлар даласида бир кун

Бепоён пахтазордаги яшил квадратлар барқ уриб ўсиб ётибди. Пахтазорда елкандек сузиб юрган универсаллар ва ғўзаларни ягана қилаётган колхозчиларни, уватларга арава ва машиналарда чим олиб келиб туширaётган йигитларни учратдик. Биринчи парваришдан чиққан бўлиқ квадратларни кўрган киши завқланади.

— Бригадамиз аъзолари, — деб ҳикоя қилди ўртоқ Султонов, — 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. «Қуруқ қошиқ оғиз йиртар»,— деганларидек, бу вазифани осонликча бажариб бўлмайди. Буни яхши тушунган колхозчилар қатқалоққа қарши кураш чораларини кўрмоқдалар. Анвар Рустамов, Малик Юсупов сингари универсалчилар кунига 7—10 гектар ерга узунасига ва кўндалангига ишлов бермоқдалар.

— Мана бу ерларга, — деб қўли билан ишора қилиб тушунтира кетди парторг, — тажрибали бригада бошлиғи Ғофуржон Исоқжонов, раҳбарлик қилади. Биз бригадир билан учрашиб ҳол-аҳвол сўрашгач, дала ишлари билан мукаммал танишдик.

Ғофуржон ака бошлиқ бригадада ҳам универсални моҳирлик билан бошқариб, кундалик нормани ошириб бажараётган Мирйўлдош Миркомилов, Илҳом Раҳимжонов сингари механик-ҳайдовчиларни, бегона ўтларни йўқотишда ғайрат кўрсатиб ишлаётган Мавжуда Султонова, Марҳамат Анорова, Зоҳро Тошпўлатова каби ишлаб чарчашни билмайдиган қизларни учратдик. Колхознинг Мариф Қораҳўжаев, Холмат Муҳамедов, Мактума Орипова ўртоқлар бошлиқ бригадалардаги ишлар ҳам кишини хурсанд қиладиган даражада.

Колхоз аъзолари, бу йил 980 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» ҳосили олишга бел боғлаганлар. Улар ана шу мақсадда социалистик мусобақани кун сайин кучайтирмоқдалар.

Х. МУҚИМОВ,
Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхози.

Мактабларда имтиҳонлар бошланди

ДАСТЛАБКИ ҚУВОНЧ

Тротуардан уч қиз борарди. Уларнинг уччаласи ҳам бир хилда — ҳаворанг кўйлак, унинг устидан эса ҳафсала билан дазмолланган фартук кийиб олишган. Ўртадагисининг қўлида гул даста. Улар тўрт қаватли улкан бинога кириб келишди. Мактаб ҳовлиси байрам тусида. Ясаниб олган ёшларнинг юзида қувонч ва ҳаяжон. Улар бугун биринчи имтиҳондан ўтишга тўпланишган. Уч қиз ҳам қувноқ ёшларга қўшилиб кетди.

Эрталаб соат 9. Мактаб қўнғироғи кундагидан бошқачароқ, жаранглироқ чалинди. Кенг ва ёруғ залга 10-синф ўқувчилари дадил кириб келишди. Бу ўспирин ўғил-қизларнинг ҳаётга йўлланма — етуклик аттестати олиш учун қўйган биринчи қадамлари эди. Булар Тошкентдаги 141-мактаб ўқувчилари. Мактаб директори ўртоқ Зиёдов давлат имтиҳонининг бошланиши билан ўқувчиларни табриклади. Сўнгра имтиҳон олувчи, адабиёт ўқитувчиси ўртоқ У. Салоҳиддинов адабиёт фанидан ёзма равишда топшириладиган иншо темаларини ўқувчиларга баланд овоз билан ўқиб берди. Ўқувчилар ўзлари танлаган тема бўйича иншо ёзишга киришдилар, штамп босилган қоғозлар фикрлар билан тўла бошлади.

Мана, иккинчи партада ўтирган Анвар Мизропов темани тугаллай деб қолди. Сал ўтмай 10-«А» синф ўқувчилари Анвар Мизропов, Неъмат Мирзаевлар ёзма ишларини имтиҳон комиссиясига топширдилар. Улар «Кишилар онгидаги эскилик қарқитларига қарши курашда Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасининг аҳамияти» деган темани танлаб олишган. Улар кетидан шу синф ўқувчиси Элмира Ҳакимова «Жамиланинг ўлими разолат ва жаҳолатга, феодал зулматига қарши бир исъёндир» деган темада ёзган ишини комиссияга топширади. Сўнгра 10-«Б» синф ўқувчиларидан Бахтиёр Рахмонов, Дилбар Муҳиддинова лар ҳам биринчилар қатори ўз ишларини ёзиб бўлишади. Имтиҳон комиссияси буларнинг ишини юқори баҳолайди. Бирин-кетин ёзма ишни топширувчилар кўпайиб кетишди. Уларнинг баъзилари Анвар, Элмира, ёзган темаларни, баъзилари «Бизда меҳнат шон ва шараф ишига, қаҳрамонлик ишига, виждон ишига айланган» деган темаларда ёзишган.

Шундай қилиб, кунинг биринчи ярмидаёқ 60 ўқувчининг ҳаммаси дастлабки имтиҳонни муваффақиятли ўтказдилар.

Ф. УСМОНОВА.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Каттагина мактаб ҳовлиси. Эртатонгдан мактабга келган ўқувчилар дастлабки имтиҳон бошланишини сабрсизлик билан кутишарди. Ниҳоят, кутилган дақиқа яқинлашди. Мактаб директори ўртоқ Қумри Обидова:

— Марҳамат имтиҳонларни бошлаймиз, — деб ўқувчиларни синфларга таклиф қилди. 10 ва 7-синф ўқувчилари безатилган синфларга киришиб, парталарга ўтиришди. Имтиҳон комиссиялари конвертларни очишга киришди.

Мана, 7 «А» синф. Ҳонадаги ўқувчиларнинг кўзи доскада. Ўқитувчи М. Алижонов алгебрадан келган ёзма ишни доскага ёзиб қўйди. Икки вариантдан иборат бўлган икки масала ва тўрт мисол доскани тўлдирди. Ўқувчилар алгебрадан олган бутун назарий билимларини фикран йиғиб, масала ва мисолларни ечиш учун ишга киришдилар. Кўп вақт ўтмасданоқ, масала ва мисоллар бирин-кетин ҳал қилина бошланди. З. Нуриддинов, М. Бадаловлар алгебрани жондан севадилар. Шунинг учун ҳам улар алгебрадан ёзма ишни тўғри ечиб, биринчилар қаторида имтиҳон комиссиясига топширишди. Уларнинг ишига аъло баҳо берилди. Бу синфда имтиҳон жуда уюшқоқлик билан ақунланди. 52 ўқувчи соат 12 га қолмай имтиҳонни топшириб бўлди.

Булар Фрунзе районидаги 73-ўрта мактабнинг 7 «А», «Б» синф ўқувчилари эди.

О. САЙДАМИНОВ.

Суратда: Тошкентдаги 20-мактабнинг 10-синф ўқувчилари адабиёт фанидан иншо ёзмоқдалар.

В. Сироткин ва **И. Глауберзон** фотоси.

Кўплаб металл-лом

Тошкентдаги 152-мактаб ўқувчилари металл-лом йиғишда активлик кўрсатмоқдалар. Улар ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг металл-лом тўплашни кенг уюштириш ҳақидаги кўрсатмасига жавобан қисқа вақт ичида 31 тонна темир-терсак парчалари тўпладилар. Э. Каримов, Т. Муродов, Ф. Умарова ва Г. Убайдуллаева каби ўқувчиларнинг ҳар бири 250—300 килограммдан ошириб металл-лом парчалари йиғдилар.

С. РУСТАМОВ.

Ишда ҳисоб-китоб бўлсин, ўртоқ Гаспарян

Районда тўпланган маълумотларни колхоздаги аҳвол билан таққосладик. Шунда тушуниш қийин бўлган муаммолар чиқиб қолди.

— Яганалашнинг аҳволи қалай? — сўрадик колхоз раисидан.

—Тамомлаб юборганмиз.

— Кўп бўлдими?

— Аллақачон, 24 майда.

Бу жавобдан ҳайрон бўлдик. Чунки, райондаги маълумотда аҳвол бошқача эди. Бунда кўрсатилишича Ильич номли колхоз 25 майгача яганалашни 87.1 процент бажарган. Дастлаб бу маълумотларнинг қайси бирига ишонишни билмадик. Бироқ, даладаги ҳақиқий аҳволни кўриб раис ўртоқ Гаспарянниг гапига ишонмай қўяқолдик.

Ўртоқ Закарья Ахятов бошчилик қилаётган трактор-далачилик бригадаси қишлоқнинг ёнгинасида экан. Бригадада 88 гектар ер, 24 ишчи кучи бор. 39 гектарлик картани кўздан кечирдик. Қатқалоққа қарши ротацион мотигалар юргизилиб, қатор оралари унча-мунча юмшатилипти. Барибир ғўзалар тошдай қаттиқ, қатқалоқдан қутилмапти. Агар дарров узунасига культивация қилинмаса кўчатнинг анчагина қисми нобуд бўлиб кетади. Бунинг устига пайкални қалин ўт ўраган. Ҳар уч-тўрт туп ғўзанинг биттасида зарпечак учрайди. Бу картада яганага қўл ҳам урилмаган.

Бригаданинг 49 гектарлик картасида бегона ўт биринчи картадагидан камроқ. Аммо ғўзанинг ривожланиши жуда паст. Ҳали кўчат кўринмаган уялар кўп. 25 гектарча келадиган майдонда ғўза жуда сийрак, кам авж.

—Бу ерни культивация қилолмаяпмиз, — дейди бригадир ўртоқ Афсятов, — тракторчига эгатлар кўринмаяпти.

— Нега шундай бўлди, бошқа жойларда кўчат яхши-ку.

— Экиш олдидан еримизни чизелладик. Шу 25 гектари қолганида раҳбарларимиз чизеллашга йўл беришмади. Бир ўзим қаттиқ туриб олдим, бўлмади. Мана энди аҳвол.

Кўриниб турипти, колхозда ерни экишга тайёрлаш агротехникаси бузилган. Ҳар қайси картанинг ўзига ҳос шароити ҳисобга олинмаган.

Ўртоқ Умарали Ҳайитов бошлиқ бригададаги аҳвол айниқса кишини ранжитади. Культивация жуда сифатсиз ўтказилмоқда. Унинг тишлари қатқалоқни юмшатиш ўрнига ер бетини тирнаб кетмоқда, холос. Ягана тамомланмаган. Бегона ўт кўп.

Н. Меламед чизган расм.

Бу бригадада экиш агротехникаси бузилган. 38 гектар ерга 60х50 схемасида чигит экилган экан. Лекин квадратлар аниқ чиқмаган. Оқибатда ғўзага кўндалангига ишлов бериш мумкин бўлмай қолипти. Қаранг, қандай ачинарли. Экишни бир киши бузгану, энди кўпчилик қийналяпти. Колхоз раҳбарлари, хусусан бригада бошлиғи жонкуярлик қилганида бундай бўлмасди, албатта.

Бригаданинг қолган 70 гектар ерида оддий усулда чигит экилган. Энди кўндалангига қирқилиб, 60х50 схемасида квадратлар ҳосил қилинмоқда. Броқ пахтакорларнинг фикрича бу усулнинг фойдаси камроқ. Нега? Чунки, ғўзани кўндалангига кўпи билан икки марта культивация қилиш мумкин. Кейин ғўза ўсиб кетади, тракторнинг юриши қийинлашади. Шуни ҳисобга олганда 60х60 усулидаги квадратлардан сўз йўқ.

Бегона ўтнинг кўпайиши, ғўзанинг суст ривожланиши колхознинг ҳамма бригадаларида учрайди. Ўртоқ Закарья Хусеинов бошлиқ бригадага борганимизда культивация қилинган ерларда ғўза кўчатларининг қирқилаётганини кўрдик.

— Бу нима қилганинг? — қизиқсиди раис.

— Ғўза кўринмайди, эгатларни аниқлайолмаяпман. Қаторлар жуда тор-да, 50 сантиметр, — жавоб берди тракторчи. Бу гапни бригадир ҳам тасдиқлади.

— Ундай бўлса узунасига юрсаларинглар.

— Трактор узунасига юролмайди раис, культиватор тишлари 50 сантиметр кенгликда ўрнатилган.

Шунга ўхшаш можарони бошқа бригадада ҳам учратдик. Колхозда 27 чопиқ трактори бор. Шунинг 4 тасига 60, қолганларига 50 сантиметрлик эгатларга мослаб культивация тиркалган. Шу ўринда раиснинг ҳам, бошқа раҳбарларнинг ҳам ҳисоб-китоб билан ишламаётганликларига ишондик. Хўш, сабаб?

Колхозда 1.160 гектар пахта майдони бор. Бунинг минг гектарига 60х50 ва 60х60 схемасида, қолганига оддий усулда чигит экилган. Демак культиватор иш органлари оралиғини шунга мослаб ўрнатиш керак эди. Ваҳоланки бунга мутлақо риоя қилинмаган. Мана энди аҳвол танг. Қатқалоқ ғўзани бўғмоқда, бегона ўт кўпаймоқда. Аҳвол шундай кетаберса давлатга 3 минг тонна пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбурият қандай бажарилади. Колхоз раҳбарлари шу ҳақда тузукроқ ўйлаб кўрсинлар. Ахир ҳисоб-китоб билан иш қилиш керакда, ўртоқ Гаспарян.

С. СУЛТОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.
Сирдарё районидаги «Қизил юлдуз» газетасининг ходими, қишлоқ мухбирлари постининг аъзоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материалларидан

Кимни алдамоқчисиз, ўртоқ В. МУҲАМЕДОВ

«... Комиссия қарорига мувофиқ «Строитель» артели камчиликларни бартараф қилишга киришди. Шу йил 29 апрелгача, бир уйни ҳисобга олмаганда, ораси очилиб ётган поллар ремонти тугалланди. Форточкаларнинг тахминан яна 20 процента ўрнатилса бас. Эшик ва деразалар ҳам тузатилди. Шиноят йўқ».

Бу, 4-гишт заводлари бошқармасига қарашли 8 квартирали уйжой биноси қурилишидаги қаллобликлар танқид қилиниб, газетамизнинг шу йил 3 апрель сонида «Қўлдан кетгунча...» сарлавҳаси остида босилган мақолага собиқ «Ташгорпромсовет»нинг раиси ўртоқ В. Муҳамедов имзо чеккан жавоб хатидан парча.

Унг-териси суриштирилмай, имзо чекилган жавоб қип-қизил ёлғон экан. Балки, қўрққан олдин мушт кўтарар деганлариден, ҳурматли раис, ёлғон деювчининг ўзи ёлғончи, бу ташкилотимиз шаънига туҳмат дейишлари мумкин.

Ўртоқ Муҳамедов! Сиз бошлиқ ташкилот шаънига ҳар қанча аччиқ гап айтсак ҳам арзийди. Нега дейсизми? Қўлимизда ёлғон жавобингизни фош қилувчи ҳужжат — завод касаба союз комитетининг раиси Стольникова, завком аъзолари Девяткин ва Ғиёсов ўртоқлар тасдиқлаган акт бор. Бу актда Мазитова, Қаландарова, Муҳамедиева, Минеев, Потетенев оилалари билан яшаб турган уйларнинг пол тахталари орасидаги тўрт эллик тўрт эллик бўшлиқ лоақал бир эллик ҳам камаймагани, эшик ва деразалар ҳамон ёпилса очилмас, очилса ёпилмас эканлиги, ҳоказо ва ҳоказолар кўрсатилган.

Қилинмаган ишларни қилинди деб, сувдан ҳолва ясаб ёзилган ёлғон жавоб тагига жимжимадор имзо чекишга сизни ким ва нима мажбур қилди? Ёки сиз ҳам «Строитель» артелининг раиси ўртоқ Қорахўжаевга ўхшаб қўлдан кетгунча қабилида иш тутиш йўлини танлаб олдингизми?

Қиғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқади. Тошкент меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи бўлатуриб жамоатчиликни алдашга ва редакцияга сохта жавоб ёзиб юборишга қандай журъат этдингиз!

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ„
3-БЕТ, 31 МАЙ, 1960 ЙИЛ.

КИРГИЗИСТОНДА ЎЗБЕК САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ

Ҳаяжонли учрашувлар

ФРУНЗЕ, 30 май. (ЎзТАГ махсус мухбири). Киргизистонда ўтаётган ўзбек санъати ҳафталигининг қатнашчилари республика саноат корхоналарининг коллективлари билан учрашдилар. Қардош халқ вакилларини Фрунзе номли қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг ишчилари ва мутахассислари гоят қизғин кутиб олдилар. Меҳмонлар цехларни кўриб чиққанларидан кейин, заводнинг салқин паркига таклиф этилдилар. Бу ерга мингдан ортиқ машинасоз тўпланди.

Завод комитетининг раиси Н. В. Лукьянов ўзбек артистларини табриклаб, улардан бутун ўзбек халқига қардошлик саломи айтишни сўради.

Ўша куннинг ўзида Ўзбекистон артистларининг бошқа бир группаси тикувчилик фабрикаси коллективининг меҳмони бўлди.

Ҳафталикнинг учинчи куни Киргизистоннинг донгдор чорвачилари шарафига берилган катта балет кечаси билан тугади.

Кино куни

ФРУНЗЕ, 30 май (ЎзТАГ махсус мухбири). Киргизистондаги ўзбек санъати ҳафталиги программасига киритилган фильмлар одатда зал тамошабинлар билан лиқ тўлган ҳолда намойиш қилинмоқда. Фрунзе меҳнаткашларининг илтимосига мувофиқ Ўзбекистон кино усталарининг иккинчи учрашуви бўлди. Сўнгра «Октябрь» кинотеатрида «Иккинчи баҳор» рангли кино картинаси намойиш қилинди.

Фрунзеда опера театри биносида Навоий номли театр, Ўзбекистон филармонияси ва эстрада артистларининг катта концерти бўлди.

ЎЗБЕК ШАХМАТЧИЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Озарбайжоннинг Сумгант шаҳрида қишлоқ шахматчиларининг Бутуниттифоқ шахсий ва команда биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда иттифоқчи республикаларнинг 14 терма командаси қатнашди. Ўзбекистоннинг «Пахтакор» жамияти шахматчилари ҳамма учрашувларни катта муваффақият билан ўтказдилар. Улар 9 республика командасини мағлубиятга учратдилар, РСФСР ва Молдавия командалари билан дуранг қилдилар, икки учрашувдагина ютқаздилар. Шундай қилиб, ўзбек шахматчилари мукофотли учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Команда аъзоси СССР спорт мастери М. Муҳитдинов эса шахсий биринчиликни эгаллади. (ЎзТАГ).

Бу ерда чолғу асбоблари тайёрланади

Суратда: фабрика халқ чолғу асбоблари цехининг старший мастери ўртоқ С. Муслимов (чапда) ёш ишчи Талъат Убайдуллаевга дуторга нақш ишлашни ўргатмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Оржоникидзе районидаги музика асбоблари-мебель фабрикасининг ишчилари ўзбек музика маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Фабриканинг чолғу асбоблари ишлаб чиқарадиган цехида тайёрланган чолғу асбоблари созандалар қўлида тилга кириб, ёқимли қўйлар билан кишиларга завқ бағишлайди, бошқа миллат вакилларини ўзбек музикаси билан таништиради.

Мана, чолғу асбоблари цехи. Биров рубоб дастасини тайёрласа, биров дутор пардаларини ясайди, яна биров чангга сим тортиш билан машғул.

— Битта дутор қанча вақтда тайёр бўлади? — сўрадик цех бошлиғи В. Абрамовдан.

— Мана бу ерда дутор корпуси тайёрланади, — батафсил тушунтира бошлади у,— шундан сўнг механизмда ясалган даста билан корпусни бирлаштирамиз, пардалари ўрнатилгач, сим тортилса дутор тайёр-да. Умуман битта дутор 9—10 кишининг қўлидан ўтиб бир соат ичида битказилади.

Чолғу асбоблари цехида ишлаётган 75 ишчи ҳар ойда 2,5 мингта ўзбек чолғу асбоби тайёрлайди. Улар кейинги пайтларда маҳсулот таннархини 30 процент камайтиришга муваффақ бўлдилар. Коллектив орасида С. Муслимов, М. Мирзаев, А. Орискин, Ю. Чернов, И. Исмоилов, Н. Толипов каби энг яхши созанда усталар бор. Булар ўзбек халқининг севимли миллий чолғу асбобларининг жарангдор, пишиқ ва пухта ясалишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Фабриканинг ана шундай моҳир усталари қўли билан ясалган ўзбек чолғу асбобларига Ленинградда бўлиб ўтган музика асбоблари конкурсида биринчи мукофот берилди.

Фабрикада ишлаб чиқарилаётган чолғу асбоблари республикамиздан ташқарига ҳам кўплаб юборилмоқда. Қозоғистон, Киргизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари бу юртмалари бўйича туркман, қиргиз ва ўзбек чолғу асбоблари тайёрлаб берилмоқда. Шунингдек ўзбек миллий чолғу асбобларини кўпгина чет эл мамлакатлари ҳам олаётир. Фабрика Германия Демократик Республикаси, Англия ва Ҳиндистонга рубоб, дутор ва ғижжак, Японияга эса чанг каби чолғу асбоблари юбормоқда.

Чолғу асбоблари цехини созанда усталар билан таъминлаш мақсадида фабрика ҳузурида музика курси ташкил этилган. Ҳозир унда 25 ўқувчи таълим олмоқда. Курс ўқувчилари музика чалишни ўзлаштириб олгач цехга ишга қабул қилинадилар.

И. РУ[illegible]АМОВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистон энергосистемалари бирлаштирилади

Тошкент ва Жанубий Қозоғистон областларининг энергетика системасининг маъмурий маркази — Чимкент шаҳри билан бирлаштирувчи янги электр линияси 120 киловольт кучланишга эгадир. Бу линиянинг узунлиги 136 километрдир. Чамкентда ток қабул қилиш подстанциясининг қурилиши тугаши биланоқ янги линия 220 киловольтга ўтказилади.

Тошкент ва Жанубий Қозоғистон областларининг энергетика системасини ҳалқа шаклида боғлайдиган Тошкент—Чимкент юқори вольтли линияси — Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистон ягона энергетика системасининг звеноларидан биридир. Ҳозир ана шу гигант системанинг яна иккита юқори вольтли линияси қурилмоқда. Янгиердан Жиззахга 220 киловольтлик энергетика магистрали қурилади. Бу магистраль Тошкент энергосистемасини Самарқанд системаси билан улайди.

Сирдарёдаги тақсимлаш подстанциясидан чиқадиган юқори вольтли линия орқали Жанубий Қозоғистон областида Сирдарёда қурилаётган Чордарё гидроэлектростанциясининг қурилиш майдонига ток юборилади. Бу ГЭС қурилиши тугаллангач, линиядан янги станция қувватини Мирзачўл районларига юбориш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон пойтахтида ҳозир вужудга келтирилаётган Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистон энергетика системасини бошқарадиган бирлашган диспетчерлик бошқармаси ташкил қилинди. Бошқарма Ўзбекистон ССР, Жанубий Қозоғистон территориясидаги ҳамма системалардаги электростанциялар, шунингдек Қайроқум ГЭС ва Тожикистондаги Ленинобод шоҳобча районининг координация қилиб туриши керак. Бу эса, ана шу катта территорияда ишлаб турган электростанциялар қувватини энг тежамли ва мақсадга мувофиқ тақсимлаб фойдаланиш имкониятини беради. (ЎзТАГ).

Чет эллларда

ИНДОНЕЗИЯДА Н. С. ХРУШЧЕВ ВА СУКАРНОНИНГ НУТҚЛАРИ НАШР ЭТИЛДИ

ЖАКАРТА, 29 май. (ТАСС). Сурабая шаҳрининг маҳаллий нашриёти Н. С. Хрушчев Индонезияда бўлган вақтда унинг ва президент Сукарнонинг сўзлаган нутқлари, шунингдек ҳар иккала ҳукумат бошлиқлари имзолаган ҳужжатлар тўпламини нашр этди.

Тўпламнинг сўз бошисида «Н. С. Хрушчевнинг Индонезияга қилган тарихий визити тўғрисидаги хотираларни абадий эсда тутиш нияти» тўпламни нашр этишга сабаб бўлганлиги таъкидлаб ўтилади. Сўз бошида яна бундай дейилади: Н. С. Хрушчевнинг Индонезияга қилган дўстона визити «ватанимизнинг тарихида катта аҳамиятга эгадир, чунки бу, миллий революцияни тугаллаш учун, адолатли ва яшнаб турган жамият барпо қилиш учун қатъий кураш олиб бораётган халқ юртига қилинган визитдир».

Тўпламнинг муқовасида шу сўзлар ёзилган: «Хрушчев — улуғ инсон, халқаро миқёсдаги буюк арбоб, коммунизмнинг атоқли арбоби ва посбони бўлиб, бутун дунёда тинчлик учун, империализмга ва капитализмга қарши курашмоқда.

Сукарно — улуғ инсон, Индонезия миллатининг ҳурматли йўлбошчиси, Осиё ва Африка мамлакатларининг раҳбар арбоби, бутун дунёда тинчлик учун курашчидир.

Ана шу икки буюк инсоннинг сўзлари муқаддас сўзлар бўлиб, империализмга ва мустамлакачиликка қарши сиёсатнинг негизидир. Тинчликни севадиган ва империализмга ҳамда капитализмга қарши курашаётган кишиларнинг ҳаммаси уларнинг Индонезияда сўзлаган нутқларини ўрганишлари керак ва бу нутқларга амал қилишлари керак».

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АРГЕНТИНАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 29 май. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи ҳукумати делегацияси кеча самолётда ўз Ватанига жўнаб кетди. Совет делегацияси Аргентина халқининг ўз [illegible] учун курашига асос қўйган май революциясининг 150 йиллиги байрамида қатнашди.

ЛИ СИН МАН АҚШга ҚОЧИБ КЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК, 29 май. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг хабар беришича, Жанубий Кореяда яқинда ағдариб ташланган қўғирчоқ ҳукуматнинг президенти Ли Син Ман бугун Жанубий Кореядан яширинча Қўшма Штатларга жўнаб кетган.

ТУРКИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

АНҚАРА, 28 май. (ТАСС). Бугун кечқурун Анқара радиоси миллий бирлик комитети раиси ва Туркия қуролли кучлари олий бош қумондони генерал Жамол Гурселнинг ахборотини эшиттирди. Ахборотда Туркия янги ҳукуматининг состави тўғрисида хабар берилади. Янги кабинетга 18 министр ўтди. Генерал Жамол Гурсел бош министр ва миллий мудофаа министридир. Генерал Мухаррам Иҳсон Қизил ўғли ички ишлар министри, адмирал Фахри Қоратурк ташқи ишлар министри қилиб тайинланди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 28 май. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлиги Истамбулдан хабар беради: Туркия бош министри генерал Жамол Гурсел Туркия янги ҳукуматининг составини эълон қилгандан кейин, 2 соат ўтгач адмирал Фахри Қоратуркни ташқи ишлар министри вазифасидан озод қилди. Бу лавозимга дипломат Салим Сарпар тайинланди.

* * *

ПАРИЖ, 29 май. (ТАСС). Франс пресс агентлигининг мухбири Анқарадан билдирали: Ҳарбий тўнтаришдан кейин тузилган Туркия ҳукуматининг раҳбари генерал Жамол Гурсел чет эл мухбирлари билан суҳбатда Туркияда бўлган кейинги воқеалар тўғрисида гапирди.

Гурсел тўнтаришнинг мақсадлари тўғрисида бундай деди: «Менинг фикримча, аҳвол шу даражада кескинлашган эдики, куч ёрдами билангина нажот йўлини топиш мумкин эди. Армия аҳволнинг жиддий эканлигини англади...»

Бош министр Туркиянинг янги конституциясини ишлаб чиқишга тўхталиб бундай деди: «Мен мутахассислардан иборат комитет тайинладим. Бу комитет конституцияни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бу иш учун бир ой ёки бир ярим ой талаб этилиши мумкин. Аммо, сайловлар ўтказилиши биланоқ биз бошқарув ишларини халқ қўлига топширамиз. Халқ суверен ҳуқуқларининг бирдан-бир эгаси бўлиб, ўз қарорини сайлов воситаси билан ифода этади. Конституция ишлаб чиқилиши биланоқ, уни давлат кенгаши аъзолари, шикоят суди аъзолари, атоқли юристлар, университет профессорлари ва олимлардан иборат составдаги кенгашнинг маъқуллаши учун топширамиз».

Гурсел, менинг фикримча, янги конституция лойиҳаси икки палатали парламент ва олий конституция [illegible] тузишни кўзда тутиши лозим, деди. «Мен, — деди генерал, — диндан сиёсий мақсадлар учун фойдаланишни тақиқловчи модданинг ҳам конституцияга киритилишини истар эдим. Аввалги ҳукумат даврида диндан сиёсий мақсадларда фойдаланилганлиги менга маълум».

Мендерес ҳукумати аъзолари ва бу ҳукумат тарафдорларининг қамоққа олиниши тўғрисида берилган саволларга жавоб қайтариб, Гурсел «Туркиянинг ҳамма қисмида 200 га яқин киши қамоққа олинди» деб хабар қилди. Гурсел вилоятлардаги 60 губернатор менинг «ихтиёримга ўтганликларини» билдирди, деди. Генерал Гурсел армиянинг мадад беришига ишонганлигини айтди.

Аввалги ҳукумат бошлиги Москвага таклиф этилганлиги муносабати билан Совет Иттифоқига визит билан бориши тўғрисида берилган саволга жавоб қайтариб, генерал Гурсел бундай деди: «Мен ҳозирги пайтда иш билан жуда бандман ва шу сабабли фан ва техника соҳасидаги муваффақиятлари билан бутун дунёни қойил қилган мамлакатга ҳозирча боролмайман».

* * *

АНҚАРА, 29 май, (ТАСС). Анқара радиоси хабар беради: Ҳарбий тўнтаришга раҳбарлик қилган миллий бирлик комитетининг вакили маҳаллий ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида Туркиядаги давлат тўнтаришидан кузатилган мақсад «мамлакатда гражданлар урушининг бошланишига йўл қўймасликдан иборат» деди. У, армия ва унинг раҳбарлари қон тўкилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилдилар, деб таъкидлади. Комитетнинг вакили давлат тўнтариши 3—4 соат мобайнида ўтказилганлигини хабар қилди. У яна айтдики, сиёсий партиялар тарқатиб юборилганлиги тўғрисидаги хабарлар «ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки сиёсий ишлар фақат маълум бир вақтгача тақиқланди».

* * *

ЛОНДОН, 29 май (ТАСС). Туркиянинг Лондондаги элчиси «Туркияда давлат ҳокимиятининг характерини сақлаб қолинади ва Туркия ўзи изолаган барча иттифоқ ҳамда бирлашмаларга, шунингдек уни НАТО билан боғловчи ҳамма шартномаларга содиқ бўлиб қолади» деб, Англия ташқи ишлар министрлигини шундан хабардор қилди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 29 май. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлигининг мухбири Вашингтондан хабар беради: Туркиянинг Қўшма Штатлардаги элчиси давлат секретарининг ўринбосари Диллон ҳузурида бўлди ва унга ўз ҳукуматининг нотасини топширди. Расмий доиралар, дейилади хабарда, мазкур нотада Туркия ўзининг халқаро шартномалари ва иттифоқларига содиқ бўлиб қолганлиги баён қилинган, деб айтмоқдалар.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 29 май. (ТАСС). Юнайтед пресс интернейшнл агентлигининг мухбири Анқарадан хабар беради: Ҳарбий қўмондонлик мажлисининг демократик партиядан сайланган 150 депутатини қамоқдан озод қилди. Бу депутатлар мамлакатда ҳарбий тўнтариш бўлган пайтда қамоққа олинган эдилар. Озод қилинганлар орасида Мендерес кабинетининг собиқ министри Сидқи Иржали ҳам бор.

Хабарда айтилишича, Туркия халқ-республика партиясининг раҳбари Исмат Инену баёнот эълон қилиб, ўз партиясининг аъзоларини янги ҳукуматнинг фармойишларига бўйсунишга чақиради.

Редактор: З. ЕСЕНБОЕВ.

ҲИКОЯ

Аброр ака Эрматов катта идорага хўжайинлар. Ўзлари баланд бўйли, елкадор, жуда келишган одамлар. Кўринишларидан дув-дув савлат тўкилиб туради. 50 ларни уриб кўйган бўлсалар ҳам жуда тетиклар, айниқса кўнгиллари ёш. Бор бўлгур шу ёш кўнгиллари денг ҳар хил нарсаларни қумсайверади. Бунинг эйби бўлмаса керак. Чунки ёш кўнгилнинг кўп нарсаларга кўнгли кетади-да, Аброр аканинг кўнгиллари эса қўл остиларидаги ишлайдиган бир қизга кетган. Бу қиз энди 19 дан 20 га қараб кетаётипти. Шоирлар таъбирича юз гулидан ҳали бир гули ҳам очилмаган. Ёзувчилар таъбирича эса айни думбул пайти.

Шундай қилиб десангиз, Аброр ака Назирахонга ер тагидан разм солиб юрардилар. Очиқ қарасалар бўлмайди-да, хотин бола-чақалари бор, бутун бошлиқ идоранинг бошлиғилар. Шунинг учун ўтри мушукдек пайт пойлаб, ҳоли вақтни топиб Назирахонинг қулоғига тилларидан бол томизиб қочардилар. Кези келганда айтиб кетиш керакки, бунақа ишларга Аброр ака устаси паранг эдилар. Ширин гап кимга ёқмайди дейсиз. Назирахон ҳам Аброр аканинг гапларига қулиб қўяқоларди. Аброр ака билан Назирахоннинг ўрталаридаги бу илиқ муносабат анчадан бери давом этиб келар, ҳайтовур бундан нарига ўтилмасди.

Бирок энди Аброр ака ҳужумга ўтмоқчи бўлдилар. «Хўш, замин тайёрланди — деб ўйладилар Аброр ака — энди секин муддаога ҳам ўтаберсак бўлади. Баҳона бор. Бугун 8 март. Бундай қулай пайтни тошиб жуда қийин бўлар».

Аброр ака одатлари бўйича идорага вазмин қадам ташлаб кирдилар. Ҳамма билан қўл беришиб қуюқ сўраштирдилар. Хотинларни 8 март байрами билан кизгин табрикладилар. Сўнгра жиддий тусда Назирахонга мурожаат қилдилар.

— Сиз ўн беш минутлардан кейин менинг олдимга кирсангиз, зарур иш бор. Янги газеталар келганми?

— Хўп бўлади, янги газеталарни столингизнинг устига қўйиб чиқдим.

— Раҳмат.

Аброр ака ўз хоналарига кириб кетдилар. Олдин газеталарга кўз югуртириб чиққан бўлдилар, кейин Назирахон кирганда нималар дейишнинг режасини туза бошладилар. Энг асосийси қизни чўчитиб юбормаслик эди... Ниҳоят 15 минут ҳам ўтди. Хонага Назирахон кирди.

— Келинг Назирахон, ўтиринг, — майин, эркаловчи оҳангда гапирдилар Аброр ака.

— Раҳмат, — Назирахон стулга омонатгина ўтирди, қизариб кетди. Ахир хўжайиннинг савлати босарди-да.

— Бемалол ёзилиб ўтиравернг Назирахон, тортинманг, ёки менден уялаяпсизми. Ахир мен ўзингизнинг акангизманку... Ҳалиги... бирга ишлайдиган ҳамкасабангизман демоқчиман. Шундайми?

— Шундай.

— Хўш, агар шундай бўлса ҳеч тортиниш керак эмас. Мана бугун сизларнинг байрамингиз. Байрам кунда бўлмайди, ойда-йилда бир келади, демак уни хушчақчақлик билан яхши ўтказиш керак, шундайми?

— Шундай.

— Агар шундай бўлса, байрамни яхши ўтказишга ҳаракат қилиш керак. Назирахон мен муғомбирликни ёмон кўраман, дилимдагини очиқ айтавераман. Очиқ айтган маъқулда, шундайми?

— Шундай.

— Агар шундай бўлса мен ҳам очиқгўй бўлишим керак. Хўш... Назирахон... Мен бугун кинога иккита билет олиб келган эдим, жуда ажойиб тамоша қўйилаётган эмиш. Шунга борсак.

Назирахон жуда оғир аҳволга тушиб қолди. Йўқ деса хўжайиннинг юзидан ўтиш қийин, хўп деса яна бўлмайди — Аброр аканинг оиласи бор.

— Ахир, келинойимлар — Саодат опамлар эшитиб қолсалар...

— Ие, ҳали мени Саодат опангиздан яширади деб ўйладингизми. Лозим бўлса ўзим ҳаммасини Саодат опангизга тушунтириб қўяман. Менинг сизга бўлган эътиборим жуда зўр. Агар сиз ҳавас деб ўйлайдиган бўлсангиз янглишасиз.

— Ахир болаларингиз...

— Ҳаммасини ўйлаганман, пухта ўйлаганман. Демак етти яримда кинонинг олдида кутаман-а?

Бирдан Назирахоннинг бошига бир фикр келиб қолди. У жилмайиб:

— Майли, — деди.

— Бўлмаса мана бу билет сизда турақолсин — Аброр ака билетни Назирахоннинг қўлига тутқиздилар.

Назирахон билетни олиб чиқиб кетди. Аброр ака «билетни олди, энди албатта келади» деб суюниб кетдилар. Шу суюнганларича кечгача кайфлари чоғ бўлиб юрди. Худди қиз билан биринчи учрашаётган йигитдек ич-ичларидан ҳовлиқиб, ўзларини қўйишга жой тополмайдилар. Ишдан чиқиб Аброр ака гарчи соқолларини эрталаб олган бўлсалар ҳам сартарошхонага кирдилар. Сочларини тараттиб, атир септириб, қирчиллама йигитларга ўхшаб чиқдилар. У ердан магазинга бориб бир қўйлаклик хонатлас олдилар. Йўлда кетаётиб бир боғ гунафша ҳам олдилар.

Аброр ака кинотеатр биноси олдида таксидан тушганларида соат роппа-роса етти ярим эди. Қўлларидаги совғаларни қоғозга ўраб қўлтиқларига тиққанларича танишлар учраб қолмаса эди, деган хавотирда атрофга ола-зарак бўлиб бир чеккага ўтиб олдилар. Ҳали Назирахон келмаган экан. Беш минут ўтди. Ўн минут ўтди, ўн беш минут ҳам ўтдики, ҳамон Назирахондан дарак йўқ эди.

Аброр ака сабр косалари тўлиб ўёқдан-бўёққа юра бошладилар. Шу пайт кимдир орқаларидан келиб секин билакларидан ушлади.

— Аброр ака!

Аброр ака орқаларига ўгирилдилар, ўгирилдилар-у турган жойларида қотиб қолдилар. — Қаршиларида хотинлари Саодат опа турарди.

— Вой, Аброр ака, кутиб қолмадингизми. Ўзим ҳам жуда шошдим. Келиб-келиб Асқарингиз шу бугун институтдан кеч қайтса бўладими, келиши билан овқатни бердим-у, укаларингга қараб ўтир, деб бу ёққа югирдим.

— Э... шунақа дегин...

— Қиз бечорани овора қилибсиз-да байрам куни, борадиган жойи бўлса кеч қолмаганмикин?

— Э... ҳалиги — Аброр ака хотини кесатяптими, тўғри гапираяптими, ажратиб ололмасди — нима?

— Назирахонни айтяпман-да. Югуриб келганича югуриб кетди. Бир оз ўтирмади ҳам. «мана билет, Аброр акам бериб юборди-лар, келишга вақтлари йўқ экан, сизни кино-театр олдида етти яримда кутар эканлар» деди-ю, ғойиб бўлди-қўйди. Жуда одамшаванда, яхши қиз-да, ҳусидан ҳам бор. Шу қизни Асқарингизга келин қилсак қандай бўларкин?

— Кўрармиз, — дедилар умрларида биринчи марта қизариб Аброр ака. — ҳақиқатда яхши қиз экан, одамгарчиликни биларкан.

Аброр аканинг чеҳраси очилди. Шу пайт ясаниб келган хотини ҳам кўзига жуда чиройли кўриниб кетди. Қўлидаги совғани хотинларига тутқаздилар.

— Мана булар сенга. Бу хонатлас, мана бу эса яхши кўрадиган гулинг — гунафша.

Саодат опа севинганидан кўзларидан ёш чиқиб кетаёзди. Икковлари кино томон юришди. Одамлар уларга «жуда бир-бирига мос тушган экан» дегандек ҳавас билан қарашарди.

Аброр ака Эрматов мамнун эдилар. Хотинлари билан кинога кириб борар эканлар яна ҳар доимгидек кўринишларидан дув-дув савлат тўкилиб турарди.

Фарҳод МУСАЖОНОВ.

Кинодвор экранда

31 ма[illegible]
12.30. Ўқувч[illegible] эшитириш. Ян[illegible] музика мактаб[illegible]нинг чиқиши.
20.00. Сўнгги [illegible]
20.20. Ўзбекн[illegible] эстрадаси татар [illegible]нинг чиқиши.
20.50. Қишло[illegible] ходимлари учун [illegible] эшитириш.
21.05. Киновесть — «Бекорчилар мактаби».

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заллари да

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/V да **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/VI да **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзги бино) 1/VI да **Фарғона ҳикояси**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 2 ва 3/VI да **Санъат усталари концерти**.

Иккинчи баҳор — «ВАТАН» (ўзбек тилида кундуз соат 3 ва кеч 8-40 минутда).

Киши фикрини ўзгартиради (1 ва 2-серия) — «СПУТНИК», (1-зала), «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечқурун), ПУШКИН номли, КАФАНОВ номли.

Йўқолган фотография — «ДРУЖБА» (2-зала), «МИР», НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Кабирия тунлари — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ», «ВАТАН» (ёзги, кеч соат 9-10 минут ва 11 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 9 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 8-50 минутда).

Каталония учун товар — «Спутник» (2-зала кундуз ва кечқурун).

Буюк Карузо — «ДРУЖБА» (1-зала кундуз ва кечқурун).

Маймоқ дўст — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 10-40 минутда).

Хотиним куйлашни истайди — НАВОИ номли (ёзги кеч соат 9-10 минут ва 10-50 минутда).

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА
1 июнда кундуз ва кечқурун
ПРЕМЬЕРА
С. Прокофьев музикаси
1-бўлимда
ПЕТЯ ВА БЎРИ
1 пардали балет.
2-бўлимда
БАЛЕТЛАРДАН ПАРЧАЛАР
Кундузги спектакль соат 12 да, кечки спектакль соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда. 1/VI даги кечки спектаклга болалар ота-оналари билан қўйилади.

Тошкент шаҳар Советининг 1958 йил 18 апрелдаги 7-сон мажбурий фармойишига мувофиқ,
Тошкент шаҳри ва Калинин райони территориясида
(МВД органларидан ташқари) **гражданларга, фабрика, заводларга ва бошқа ташкилотларга қарашли**
Ҳамма итлар
(ёшлари ва зотларидан қатъий назар)
ҚУРИКДАН ЎТКАЗИЛСИН, ДОРИЛАНСИН ВА РЎЙХАТ ҚИЛИНСИН
Итларни кўрсатилган муддатда рўйхатдан ўтказиш ва дорилаш учун ветеринария шифохоналарига келтирилсин.
Тошкент шаҳар ветеринария-санитария станцияси.

ЎЗБЕКИСТОН КИТОБ САВДОСИ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОНТОРАСИ
китоб билан савдо қилувчи бошқа ташкилотлар иштирокида **1 июндан 30 июнгача**
КИТОБ ОЙЛИГИ ЎТКАЗАДИ
Китоб ойлиги кунларида қуйидаги жойларда
китоб бозорлари очилади
Қўғирчоқ театри скверида (Ленин ва К. Маркс кўчалари бурчаги).
Госпиталний бозорда (8, 9 ва 10-трамвай).
Калинин майдонида (1, 2 ва 4-троллейбус).
Бируний майдонида (Бешёғоч, 1 ва 4-трамвай, 2, 3 ва 7-троллейбус).
Куйбишев скверида (Пушкин ва Ассакинская кўчалари бурчаги, 3-трамвай, 3, 4 ва 5-троллейбус).
Чирчиқ, Оҳангарон, Янгийўл, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида.
Китоб магазинлари ва китоб бозорларида билимнинг ҳамма соҳасига доир турли китоблар сотилади.
Китоб бозорлари 1 июнь кеч соат 6 да очилади ва ҳар куни (дам олиш кунисиз) эрталаб соат 11 дан кеч 9 гача ишлайди.
Корхоналарга ва ишчи посёлкаларига китоб сотиш учун автодўконлар чиқиб боради.
Китоб бозорлари ва магазинларини бориб кўринг! Ўз кутубхоналарингизни зарур китоблар билан тўлдиринг!

Тошкент область матлубот союзининг
ҲАММА РАЙОН КИТОБ МАГАЗИНЛАРИДА
ҳар хил
СИЕСИЙ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК, МЕДИЦИНА, БАДИИЙ ВА БОЛАЛАР
китоблари ва плакатлар
СОТИЛМОҚДА
Обунали нашрларга ҳам обуна қабул қилинади.
Тошкент область матлубот союзининг китоб бўлими.

ЙИГИРУВ-ТЎҚУВ КОМБИНАТИ
пахта йигирув корхонасига **йигирувчилар, ровничницалар, моталчилар** ва шу касбларга **шогирдлар**
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Қабул қилинганлар ётоқ ва коммунал-маиший шароит билан таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Янгийўл район, Ўрта овул станцияси, Промкомбинатнинг кадрлар бўлими (Янгийўл шоссесида, Тошкентдан 14 километрда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ НИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қури лиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115. Эълонлар бўлими—28142.

Р.02698

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр. А. 1607.

Лабзак кўча, 1-тупик. 7-уйда турувчи Рихсибой Шарипович Алимовнинг Қорамурт кўча, 158-уйда турувчи Фарида Алимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 1-участка халқ судида кўрилади.